

Фарзандим яқинда ўн олтига тўлади. Маълумки, бу ёшда фуқаролик паспорти берилмади. Ўғлимнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасини анчадан буён ишлатмаганимиз сабабли топишнинг иложи бўлмапти. Бу ҳужжат топилмаса, қаерга мурожаат қилиш зарур?



3 бет

— Менга қара, ҳов болакай, — деди машина ичида кетаётган Исмат Шералига. — Флешкартани бизларга олиб берасан, бўлмаса, сени ўлариб юборамиз. Бизларни кимлигимизни билмас экансан, тушундингми?!



8 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Ўзбекистон



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2013-yil 6-may, №23 (856)

Ҳамкорлик

Универсиада — 2013

Тадбиркорлар учун қулайликлар

Ўзбекистон Республика Бosh прокуратураси Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда "Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ижтимоий шериклини ташкил этиш масалалари" мавзусида видео-конференция ташкил этди.

Тадбирда Савдо-саноат палатаси масъул ходимлари, Республика прокуратурасининг Олий ўқув курслари тингловчилари, "Ўзбекистон Бизнес Форуми" лойиҳаси мутасаддилари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Анжуман онлайн видео-конференция шаклида ташкил этилиб, унда Палатанинг ҳудудий бошқармалари, вилоят прокуратуралари масъул хо-

димлари билан масофадан туриб фикр-мулоҳазалар алмашиш имконияти яратилди.

Йиғилишда Республика Бosh прокуратураси ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Президентимиз томонидан мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, жумладан, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда барча имкониятларни ишга солаётганлиги таъкидланди.

Тадбир давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, жумладан, оилавий тадбиркорлик фаолиятини амалий қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий маслаҳатлар ҳамда ахборот кўмаги кўрсатиш борасидаги фаолият, ижтимоий шериклининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари мавзусида маърузалар тингланб, бу борада берилган саволларга батафсил жавоблар қайтарилди.

Шунингдек, анжуманда соҳада олиб борилаётган чоратадбирларга эътибор қаратилиб, видео-конференция орқали уларнинг фикр-мулоҳазалари ўрганилди.

Ўз мухбиримиз



Машъала яна порламоқда

Халқаро Олимпия ўйинлари машъаласи Грециядаги Гера ибодатхонасида куёш нурларидан аланга олдирилди. Бундай ноёб ҳусусиятга эга маскан Ер юзининг санокли жойида, жумладан, Тошкент вилоятининг Паркент туманида ҳам бор.

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан ташкил этилган уч бошқичли — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт мусобақалари машъалалари айнан шу ерда — Паркент туманидаги "Физика-Куёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг материаллунослик институтида куёш нурларидан ўт олдирилади.

Талабаларнинг "Универсиада — 2013" мусобақалари машъаласи ҳам 4 июнь куни ана шу ерда аланга олдирилди.

Шу муносабат билан бу ерда ўтказилган маросимда Ўзбекистон мудофасига қўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташки-

лоти, Республика техник ва амалий спорт турлари маркази, тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, талаба-ёшлар ва спортчилар иштирок этди.

Юртимизда спортни янада ривожлантириш ва оммавий-лигини оширишга қаратилган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик самарасида ёшларимиз орасидан халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган кўплаб спортчилар етишиб чиқмоқда.

Куёш нурларидан аланга олган машъала энди Бухоро вилоятида "Универсиада — 2013" мусобақалари якунига етгунча порлаб туради.

Ўз мухбиримиз

Таътил мароқли ўтади

Ўқув йили якунланиб, болаларнинг ёзги таътили бошланди. Мавсумни улар уйда ёки мамлакатимизнинг сўлим гўшаларида жойлашган соғломлаштириш оромгоҳларида ўтказиши мумкин. Уйдан узоқлашишни истамаган болалар эса мактаблар ва бошқа таълим муассасалари ҳузурини ташкил этиган кундузги оромгоҳ ёки қисқа муқдатли болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олиши мумкин.

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ижтимоий келиб чиқиши ва жисмоний ҳолатидан қатъи назар, барча болага алоҳида эътибор қаратилиб, доимий ғамхўрлик кўрсатишмоқда. "Обод турмуш йили" Давлат дастурига мувофиқ, кундузги оромгоҳлар, шунингдек, қисқа муқдатли соғломлаштириш оромгоҳларида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалардан минглаб болалар имтиёзли асосда соғломлаштирилади. Мавсумда болаларнинг музейлар, истироҳат

боғлари, спорт объектларига бориши, турли танловлар ва спорт беллашувларида иштирок этиши режалаштирилган. Болалар учун тўғрақлар ҳам ташкил этилган. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш доирасида оромгоҳларда ташкил қилинган инглиз тили тўғрақларида ўғил-қизлар ҳафтасига бир неча марта шуғулланилади.

Тошкентда Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амириклари ишбилармон доиралари вакиллари билан бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Ишбилармонлар бизнес-форуми

Тадбирда икки мамлакатнинг савдо-саноат, сармоя, иқтисодий, курилиш, автомобилсозлик, кўчмас мүлк, озиқ-овқат саноати, энергетика, нефть-газ, ахборот ва коммуникация технологиялари, сайёҳлик, қишлоқ хўжалиги ҳамда кимё саноати каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амириклари савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлигини кенгайтиришга бағишланган мазкур анжуманда мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча соҳалар қатори иқтисодий йўналишда ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки

давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Форумда Бирлашган Араб Амириклари ишбилармонлигига Ўзбекистон иқтисодий тизимига сармоя жалб этишининг устувор йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Меҳмонлар юртимизда давом этаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодий-ёчимлигини юксалтириш йўлида изчил олиб борилаётган ислохотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар билан танишди. Тадбирда "Наввой" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва "Жиззах" махсус индустриал зонасида қўша лойиҳаларни амал-

га оширишга оид масалалар муҳокама қилинди.

— Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амириклари биргаликда йирик сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш борасида улкан имкониятларга эга, — деди Дубай савдо-саноат палатаси раиси Абдул Раҳмон Саиф ал-Гураир. — Мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб, Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий муносабатларни янада тараққий эттириш, хусусан, сайёҳлик, логистика ва кўчмас мүлк соҳаларида сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтириш тарафдоримиз. Ушбу форум Амирик билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва икки томонлама савдо ҳажмини оширишга хизмат қилади.

Анжуманда сармоя, савдо, курилиш, кимё, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, автомобилсозлик ва ахборот технологиялари каби соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга, Бирлашган Араб Амириклари компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этиш, янги қўша лойиҳаларни амалга оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу кунги икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперация биржаси бўлиб ўтди. Унда Бирлашган Араб Амириклари ишбилармонлари ўзбекистонлик шериклар билан биргаликда ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан келишди олдилар.

Бугун мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш ва унинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш иқтисодий ислохотларнинг энг асосий йўналишларидан бирига айланди. Шу боис, Президентимизнинг бевосита раҳбарлигида соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тадбиркорларга кенг имкониятлар яратиш мақсадида ислохотлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг содда-лаштирилган тартиби жорий этилди, уларнинг молия-хўжалик фаолиятини фақат солиқ идоралари текшириши мумкинлиги ва тадбиркорларга нисбатан ҳар кандай санкциялар суд қарорига биноан қўлланилиши белгиланди. Шунингдек, ҳисобот

Сунъий қимматлаштириш сири

тақдим этишнинг шакл ва турлари, тадбиркорлар фаолиятига асосиз аралашув ва текширишлар сони кескин қисқартирилди.

Ана шундай қулай тадбиркорлик муҳити яратилган бир пайтда ҳам айрим нафсининг қулига айланган сохта тадбиркорлар қонунларни менсимасдан, ноқонуний фаолият олиб бораётгани ачинарли ҳол, албатта. Ҳалоллик ва қонунларга ҳурмат тушунчаларини ўзларига бегона билганлардан бири Шукур Боқиев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) бўлиб, у аввал тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, "Sarvinoz plus" хусусий корхонасининг раҳбари лавозимига тайинланди.

Раҳбар сифатида фаолиятини бошлаган Ш.Боқиев кўп ўтмай тергов жараёнида шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган "Шариф" исми номаълум шахс ва бошқалар билан бир гуруҳга бирлашиб, жиноий ҳаракатларини бошлайди. Яъни Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг масъул мансабдор шахслари билан "тил топишиб", қиммат нархларда спорт товарларининг сотиб олиниши эвазига ўтказилган пул маблағларидан бир қисмини улуш тариқасида нақдлаштириб олишга келишади. У спорт анжонларининг нархи тақлиф қилинган тижорат тақлифлари орасида "энг арзон" ва

"мақбул", деб эътироф этилишига эришади.

Шундан сўнг қалбаки йиғилиш баённомаси тузилиб, "Sarvinoz plus" хусусий корхонаси номидан тижорат тақлифлари расмийлаштирилади ва 2006 йилнинг 4 декабрь куни 43 млн. 885 минг (ҳақиқий қиймати 37 млн. 185 минг) сўмлик спорт товарларини сотиб олиш тўғрисида шартнома тузилади. Ушбу шартномага асосан Молия вазирлигининг газначилик бошқармаси ҳисоб рақамидан хусусий корхонага 43 млн. 885 минг сўм ўтказилиб, 6 млн. 700 минг сўмлик пул маблағлари нақдлаштирилиш орқали ўзлаштирилади.

Қинғир ишнинг қийғи

Шарофиддин ЮСУПОВ,
Шайхонтоҳур туман
прокуратураси катта терговчиси

қирқ йилдан кейин ҳам чиқарди, деганларидек, Шукур Боқиевнинг ҳам қилмишлари вақти келиб, ошкор бўлди. Қилган ишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган Ш.Боқиев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йил 5 декабрдаги амнистия тўғрисидаги қарори асосида жазодан озод қилинди. Уйлаймики, энди у юртимиздаги инсонпарварлик ва баркиенглик берган имкониятдан тўғри хулоса чиқариб, ҳалол ашаб, қонунларга ҳурмат билан қарайди.

Тадбиркорлик қонун ҳимоясига олيني, иқтисомиёт жадал суръатларда ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Президентимизнинг қарорлари, амалга қонулар билан тадбиркорлик субъектларининг фаолиятларига аралашувларга чек қўйилди. Назорат органлари томонидан уларнинг фаолиятларини текширишлар тартибга солинди. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ, хизмат кўрсатиш ҳажми ортиб, сифати яхшиланиб бормоқда.

Ноқонуний фаолиятга чек қўйилди

Баҳодиржон ҲАКИМОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Фарғона вилоят
бошқармаси бўлим бошлиғи

Аксарият тадбиркорлар амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатларида ҳавола этилган имкониятлардан фойдаланиб, фаолиятларини кенгайтириб боришапти. Ҳуқуқларини тасаруф этиш билан бирга мажбуриятларини сўзсиз адо этишапти. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ва тўқис амалга оширишапти. Бироқ, яратилган кенг имкониятлардан фойдаланиш ўрнига, ишлаб чиқариш ёки савдо-сотиқ ҳажмини камайтириб қўйиш йўли билан қасддан солиқ тўловларидан бўйин товлаш ҳолатлари учрамоқда ва уларга нисбатан эса қонуний чоралар кўрилолмади. Бунга Данғара туманида рўйхатдан ўтиб, иш юритаётган "ASTRA INTERNATIONAL TRADING" масъулияти чекланган жамиятининг фаолиятини таҳлил этиш жараёнида аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Масъулияти чекланган жамиятнинг раҳбари Аюбхон Аҳмедов ва МЧЖнинг бош ҳисобчиси Лазиз Пулатов Республика Вазирлар Маҳкамасининг юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш ва улар томонидан савдо фаолиятини амалга оширишни тартибга солиш, пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш, аҳоли билан савдо ҳисоб-китобларини амалга оширишда назорат-қасса машиналарини мажбурий қўллаш, чакана савдо қоидаларини ҳамда умумий оқватланиш маҳсулотлари(хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорларига зид равишда пул ўтқа-

зиш йўли билан сотиб олинган юқори ликвидли маҳсулотларни нақд пулга сотиб, уларни назорат-қасса машинасига кирим қилмай, банк муассасасига топширмай амалдаги қонун талабларини қўпол равишда бузишган. Бундан ташқари, А.Аҳмедов жиноий шериги Л.Пулатов билан жамиятнинг ҳисоб рақамлари орқали салкам 2 млрд. 800 млн. сўмлик товар айланмасини амалга оширгани юзасидан туман Давлат солиқ инспекциясига тақдим этилган ҳисоботларида товар айланмасини 1 млрд. 841 млн. сўмга кам кўрсатиб, 39 млн. 185 минг сўмлик ягона солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлашган.

Ушбу ҳолат юзасидан қўзғатилган жиноят иши суд мажлисида қўриб чиқилди. МЧЖ раҳбари А.Аҳмедов бош ҳисобчи Л.Пулатов билан 2010 йилнинг март ойидан 2012 йил апрель ойигача пул ўтказиб харид қилинган маҳсулотларни нақд пулга сотиб, 1 млрд. 842 млн. сўм нақд савдо пулларини назорат-қасса машинасига кирим қилмасдан ва банк муассасасига топширмасдан амалдаги қонун-қоидаларни бузгани, кўп миқдорда солиқ тўловларини тўлашдан бўйин товлангани ақдор бўлди. Суд уларга қилмишларидан пушаймонликлари, биринчи бор судланаётганлари, қарамоғида 3 ва 4 нафардан фарзандлари борлиги, етказилган зарарни қоплаганларини эътиборга олиб, 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади. Улардан солиқдор тартибда Данғара туман ДСИ фойдасига 4 млн. 162 минг сўм ундирилаётган бўлди.

Фойда кўраман, деб...

Ноқонуний фаолият... Бугун деярли ҳамма бунинг аянчли оқибатларини билса-да, негадир баъзи шахслар шу йўлга қайта-қайта киришга ҳаракат қилаверди...

Чустлик Аброр Қобулов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам қилаётган ишлари қонунга зид эканини яқин биларди. У 2011 йилнинг 23 декабрь куни Тошкент вилояти, Чиноз туманида яшовчи "Ботир" исми шахс билан жиноий тил бириктириб, чорва моллари учун енг сотиш ҳақида режа тузади. Унга кўра, аввал Чиноз туманидаги "Назаров Исроил Ибрагимович" деҳқон хўжалиги билан қалбаки қарз шартномаси тузади.

Сўнгра 13350 кг. шротни фуқаро Шоди Маматов бошқарувида бўлган "Камаз" автомашинасига оқлаб, ўзининг яшаш уйига олиб келиб тушираётган пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходимлари томонидан қўлга олинади.

Суриштирувлар жараёнида А.Қобулов 1 кг. шротни 1000 сўмдан қайта сотишни, шунинг ортидан фойда олишни кўзлагани маълум бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Чуст тумани суди Аброр Қобулов-

нинг мазкур жиноий ишини атрофчила ўрганиб чиқиб, унга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баробари миқдорда жазима жазоси тайинлади. Шунингдек, мошининг 30 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш жазосига ҳам тортилди.

Афсуски, у калтабинлиги туфайли фойда кўраман, деб шунча ҳаражатга тушиб қолди. Ундан ҳам ёмони элдошлари орасида юзи шувут бўлди.

Қонунийлик — тараққиёт омили

Улғубек ҲАМИДОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Учқудуқ туман
бўлими бошлиғи

Жамиятга қонун устуворлигини таъминлашда шу жамият аъзоларининг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини пухта билишлари, унга қатъий риоя этишлари муҳим аҳамият касб этади. Албатта, бунинг учун тарғибот-таъшиқот ишларининг ўрни ва аҳамияти каттадир. СВОЖЖДЛҚК департаментининг туманимиз бўлими томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларга берилаётган имкониятлар ва имтиёзлар тўғрисида овул фуқаролар йиғинларида фуқаролар ва тадбиркорлар иштирокида банк, солиқ ва бошқа мутасадди ишораларнинг вақиллари билан ҳамкорликда учрашув ва мулоқотлар ўтказилаяпти.

Ўтказилган тарғибот тадбирларида аҳоли ва жамоатчиликка тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда солиқ базасини кенгайтириш Департамент органларининг асосий вазифаларидан бири эканлиги тушунтирилиб, ушбу йўналишда амалга оширилган ишлар натижасида 4 та тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатилган. Жумладан, тумандаги тижорат банкларидан уларнинг фаолиятини кенгайтириш мақсадида 70 млн. сўм миқдорда кредит маблағлари олиб берилиб, 34 та янги иш ўринларининг яратилишига эришилган.

Тадбиркорлар ўртасида олиб борилаётган профилактик ва тарғибот ишлари давомида нафақат уларга яратилаётган шарт-шароитлар, балки жиноят учун жавобгарликнинг муқарраллиги тушунчасини сингдиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Шундай бўлса-да, баъзида ноқонуний фаолият юритиш оқибатида ўзига таъшиқот ортираётганлар ҳам учраб турибди. Бунга Учқудуқ туман ДСИдан солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган "Феруз-Фурқат-Лазиз" хусусий корхонасини мисол қилиб келтириш мумкин. Аниқланишича, корхона раҳбари Ф.Ражабов томонидан Учқудуқ туман халқ таълими бўлимига қарашли 2-сонли "Кўёш-жон" номли мактабга таълим муассасасида таъмирлаш ишларини бажариш юзасидан 33637,9 минг сўмлик шартнома имзоланган. Ушбу шартнома бўйича 31956,1 минг сўмлик ишлар бажарилганлиги юзасидан ҳисоботлар тузилиб, буюртмачига топширилган. Аммо бажарилган ишларнинг тўғрилиги юзасидан назорат ўлчови ўтказилганда корхона раҳбари томонидан бажарилган ишлар ҳажми 12168,1 минг сўмга ортиқча кўрсатилганлиги маълум бўлди.

Мазкур ҳолат юзасидан хусусий корхона раҳбари Ф.Ражабовга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, иш юзасидан ўтказилган ҳужжатли тафтиш давомида хусусий корхонанинг мансабдор шахслари томонидан 12254,0 минг сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаб келинганлиги ҳолатлари аниқланди ва суриштирув ва тергов давомида давлат бюджетига етказилган зарарнинг тўлиқ ундирилиши таъминланди. Жиноят ишлари бўйича туман суди томонидан Ф.Ражабовга энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баравари миқдорда жазима ва 2 йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

ИМТИЁЗНИНГ ТЕГИШЛИЛИГИ

Мен болаликдан 3-гурӯх ногирониман. Ихтиёримда 4,5 сотих ер майлони бор. Давлат солиқ инспекцияси ходимлари ер ва мулк солиғини мажбуран тўлатишяпти. Агар ашшасам, 1997 ёки 1998 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра, уруш қатнашчилари, Чернобыль АЭС иштирокчилари, Афғон уруши қатнашчилари, I-II гурӯх ногиронлари ҳамма болаликдан ногиронлар ер ва мол-мулк солиғидан озод қилинган эди. Солиқ инспекторлари эса сиз 3-гурӯх ногиронисиз, ер, мулк солиғи тўлашга мажбурсиз, дейишяпти. Шу тўғрисида

М.Раҳмонов,
Марғилон шаҳри

Жисмоний шахсларга тегишли бўлган ер ва мол-мулкларига солиқ солиш ва унга нисбатан бўлган имтиёзлар Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси билан белгиланган. Бирок, 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган аввалги Солиқ кодексида ҳам, 2008 йилнинг 1 январидан қуча қирган янги тахрирдаги Солиқ кодексида ҳам 3-гурӯх ногиронлари учун бу борада имтиёзлар белгиланмаган. Хусусан, амалдаги Солиқ кодексининг 290-моддасига кўра, ер солиғидан қуйидаги жисмоний шахслар озод қилиниши қайд қилинган:

- 1) яйлов чорвачилигининг чўпонлари, йилқибоқарлари, механизаторлари, ветеринария врачлари ва техниклари, бошқа мутахассислари ва ишчилари;
- 2) "Ўзбекистон Қаҳрамони", Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражадаги Шўҳрат ордени билан тақдирланган фуқаролар. Мазкур имтиёз "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, Совет Иттифоқи Қаҳрамони ва Меҳнат Қаҳрамони дафтарчалари, ордени дафтарчаси ёки мудофаа ишлари бўлимининг маълумотномаси асосида берилади;
- 3) 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган доирадаги уларга тенглаштирилган шахслар. Мазкур имтиёз уруш ногиронининг (қатнашчисининг) тегишли гувоҳномаси ёки мудофаа ишлари бўлимининг ёхуд бошқа ваколатли органининг маълумотномаси асосида, бошқа ногиронларга (қатнашчиларга) эса ногиронининг (қатнашчисининг) имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида берилади;
- 4) I ва II гурӯх ногиронлари. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади;
- 5) ёлғиз пенсионерлар. Ёлғиз ёки вояга етмаган болалари билан ёхуд ногирон боласи билан алоҳида уйда бирга яшовчи пенсионерлар ёлғиз пенсионерлар, деб тушунилади. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг маълумотномаси, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг маълумотномаси асосида берилади;
- 6) боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар. Ота-онасидан бири ёки ота-онаси вафот этган ҳамда оилада ўн олти ёшга тўлмаган бешта ва ундан ортик болалари бўлган оилалар солиқ солиш мақсадида боқувчисини йўқотган кўп болали оилалардир. Мазкур имтиёз Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман

(шаҳар) бўлимининг маълумотномаси асосида берилади;

- 7) Чернобыль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар оладиган фуқаролар (шу жумладан, вақтинча юборилган ёки хизмат сафарига юборилган фуқаролар). Мазкур имтиёз тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси, ногироннинг махсус гувоҳномаси, Чернобыль АЭСдаги авария оқибатларини тугатиш иштирокчисининг гувоҳномаси, шунингдек, ваколатли органлар томонидан берилган ва имтиёзлар бериш учун асос бўладиган бошқа ҳужжатлар асосида берилади;
- 8) шахсий пенсия тайинланган шахслар;
- 9) кўчириб келтирилган фуқаролар келиб жойлашган ер участкалари бўйича — ер участкалари берилган пайтдан эътиборан беш йилгача;
- 10) шахслар — уларга яқка тартибдаги уй-жой қурилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида берилган ер участкалари бўйича — ер участкаси берилган ойда кейинги ойдан эътиборан икки йил муддатта.

Мол-мулк солиғи борасидаги имтиёзлар Солиқ кодексининг 275-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра қуйидаги жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солиқ солинмайди:

- 1) "Ўзбекистон Қаҳрамони", Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражадаги Шўҳрат ордени билан тақдирланган фуқароларнинг. Мазкур имтиёз тегишчанча "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони дафтарчалари, ордени дафтарчаси ёки мудофаа ишлари бўйича бўлимининг маълумотномаси асосида берилади;
- 2) 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари ҳамда доираси қонун ҳужжатлари билан белгиланувчи уларга тенглаштирилган шахсларнинг. Мазкур имтиёз уруш ногиронининг (қатнашчисининг) тегишли гувоҳномаси ёки мудофаа ишлари бўлимининг ёхуд бошқа ваколатли органининг маълумотномаси асосида, бошқа ногиронларга (қатнашчиларга) эса ногиронларга (қатнашчиларга) имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида берилади;
- 3) ўн нафар ва ундан ортик болалари бор аёлларнинг. Мазкур имтиёзни бериш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг болалар борлигини тасдиқловчи маълумотномаси асос бўлади;
- 4) Чернобыль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар оладиган фуқароларнинг (шу жумладан, у ерга вақтинча йўлланган ёки хизмат сафарига юборилган шахсларнинг).

Мазкур имтиёз тегишчанча тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси, ногироннинг махсус гувоҳномаси, Чернобыль АЭСдаги авария оқибатларини тугатиш иштирокчисининг гувоҳномаси, ваколатли давлат органлари томонидан берилган, имтиёзлар бериш учун асос бўладиган бошқа ҳужжатлар асосида берилади;

5) қонун ҳужжатларида белгиланган солиқ солинмайдиган майдон ўлчами доирасида пенсионерларнинг. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси асосида берилади;

6) I ва II гурӯх ногиронларининг ёхуд ички ишлар органидаги хизматнинг бошқа мажбурий яратилганлиги, контузия бўлганлиги ёки шикастланганлиги оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ҳамда ички ишлар органи ходимлари ота-оналарининг ва бева хотинларининг (бева эрларининг). Имтиёз "Ҳалок бўлган аскарнинг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)" ёки "Ички ишлар органи ҳалок бўлган ходимининг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)" штампни қўйилган ёхуд пенсия гувоҳномаси берган муассаса раҳбарининг имзоси ва ушбу муассаса мўҳри билан тасдиқланган тегишли ёзувли пенсия гувоҳномаси асосида берилади. Агар мазкур шахслар пенсионер бўлмаса, имтиёз уларга собиқ СССР Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик қўмитаси ёки Ички ишлар вазирлигининг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ёхуд Ички ишлар вазирлигининг тегишли органи томонидан берилган ҳарбий хизматчининг ёки ички ишлар органи ходимининг ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида берилади.

Собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг ёхуд ички ишлар органидаги хизматнинг бошқа мажбурийларини бажариш чоғида ёки фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ёхуд ички ишлар органи ходимларининг бева хотинларига (бева эрларига) имтиёз фақат улар янги никоҳдан ўтмаган тақдирда берилади;

Агар ушбу моддада белгиланган имтиёзлар бир нечасини олиш имкониин берган ҳолларда мулкдорнинг таллашига биноан бу имтиёз фақат бир мол-мулк объектига тааллуқли бўлади.

ИЯТИЛГАНГА ИМКОНИЯТ ТОПИЛАДИ

Мен таабиркорлик фаолияти билан шуғулланаман. Ишлаб чиқариётган маҳсулотларимиз нафақат Ўзбекистонда, балки кўшни давлатларда ҳам харидоригр бўлганлиги бонс, келгусида яқин хориждаги давлатларда ҳам маҳсулотимизни реализация қиладиган ваколатхоналар очмоқчимиз. Яқинда бир танишим билан гаплашганимда, бундай иш қиладиганлар учун янги қарор чиқди, деди. Шу ҳаққа маълумот берсангиз

Ш.Қурбонов,
Қўқон шаҳри

Бу каби фаолиятни тартибга солиш мақсадида 2013 йил 27 март куни Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодий вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлигининг, Давлат солиқ қўмитасининг ҳамда Давлат божхона қўмитасининг "Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари томонидан чет элда ташкилотлар ташкил этиш ёки уларнинг устав фонди(капитали)да улаш билан иштирок этиш тўғрисида" хабардор этиш тартиби ҳақидаги низомини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Унга кўра, Ўзбекистон Республикасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган юридик шахс — таъсисчилар қарорига мувофиқ, чет элда савдо уйи, ваколатхона, филиал, ташкилот ташкил этилади.

Бунда, таъсисчи чет элдаги ташкилотнинг устав фонди (капитали)даги ўз улушини товарлар билан шакллантиришда, божхона органига қўйидагиларни тақдим этган ҳолда, товарларни чет элдаги ташкилот устав фонди (капитали)даги ўз улушини шакллантириш ҳисобига "вақтинча олиб чиқиш" божхона режимида расмийлаштиради (товарларни олиб ўтишининг хусусиятлари "товарларни инвестиция сифатида олиб чиқиш" сифатида кўрсатилади):

— чет элда ташкилот ташкил этиш тўғрисида қарор;

— давлат солиқ хизмати органиларнинг таъсисчининг бюджет олдидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи бор ёки йўқлиги тўғрисидаги маълумотномаси.

Таъсисчи чет элдаги ташкилотни ташкил этиш давлати конунчилигига мувофиқ ташкил этиш давлатининг рўйхатдан ўтказувчи органида давлат рўйхатидан ўтказилади.

Чет элдаги ташкилот давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин таъсисчи бир ой ичида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигини бу ҳақда чет элда ташкил этилган ташкилотнинг тасдиқланган, Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги аккредитациядан ўтган жойи бўйича дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси ёхуд Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик бошқармаси томонидан легализация қилинган таъсис ҳужжатларини тегишли таржимаси билан бирга юборган ҳолда хабардор қилади.

Легализация, агар:

- ҳужжатларга априор қўйилган бўлса;
- Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида, бир ахдлашувчи томоннинг ҳудудида махсус муассаса ёки ваколатли шахс томонидан тайёрланган ёки гувоҳлантирилган, уларнинг ваколати доирасида ва белгиланган шаклда ва гербли муҳр билан тасдиқланган бўлса, бошқа ахдлашувчи томоннинг бирон-бир махсус гувоҳлантиришсиз қабул қилиниши белгиланган бўлса, талаб этилмайди.

ЙЎҚОТИЛГАН ҲУЖЖАТ

Менинг иккинчи фарзандим шу йилнинг декабрида ўн олти ёшга тўлади. Маълумки, бу ёшда фуқаролик паспорти берилади. Лекин бунинг учун тузилганлик ҳақидаги гувоҳнома бўлиши керак. Ўғлимнинг тузилганлик ҳақидаги гувоҳномасини анчалан бери ишлатмаганимиз сабабли топишини иложи бўлмапти. Агар бу ҳужжат топилмаса, қаерга мурожаат қилиш ва нималар қилиш зарур?

К.Рустамова,
Қўшработ тумани

Бундай ҳолатларда тузилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувини тиклаш ҳақидаги ариза билан фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХД) органига мурожаат қилиш лозим. Аризига қуйидаги ҳужжатларни ҳам бирга тақдим этиш керак бўлади:

- далолатнома ёзувини тиклаш тўғрисида белгиланган шаклдаги ариза;
- шахар (Тошкент), вилоят, республика (Қорақалпоғистон) ФХД архивининг ариза бериш чининг тузилган жойи бўйича далолатнома ёзувининг йўқли-

- ҳақидаги маълумотномаси;
- бола ота-онасининг паспортлари нусхалари;
- агар боланинг ота-онаси вафот этган бўлса, уларнинг ўлими ҳақидаги далолатномалар ёзувларининг нусхалари;
- никоҳ тузилганлиги ҳақидаги далолатнома (ота-онасининг ва ўзининг) ёзуви нусхаси;
- бола ота-оналарининг ҳужжатлари бўлмаганда, ака-укалари, опа-сингилларининг тузилганлик тўғрисидаги далолатнома ёзувларининг нусхалари;
- аризачининг илтимосини асословчи бошқа ҳужжатлар.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг. Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб беради. Саволларингизни «Нуқид» газетасининг «info@nuqid-gazeta.uz» электрон почтаси орқали юборишингиз мумкин.

Саволларга ҳуқуқшунос
Дониёр ХАЛИЛОВ
жавоб берди.

Янги қонунлар амалда



"Мамакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да истиқболга мўлжалланган қатор қонунларни яратиш илгари сурилгани. Яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлисида тараққиётимизга хизмат қилувчи ана шундай қонунлардан бир нечтаси қабул қилинди. "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонунларнинг янги тахрири шулар жумласидандир.

Айтиш мумкинки, эндиликда ҳар икки қонуннинг ҳам шаклан, ҳам мазмунан бойиган янги авлоди дунёга келди. "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун дастлаб 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган, сўнгра 1999 йил 14 апрелдаги қонун билан унинг янги тахрири тасдиқланган эди. Демак, ҳисоб бўйича бу соҳани тартибга солувчи ва мустақамловчи учинчи авлод қонунидир. "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонун 2004 йил 29 апрелда қабул қилинган. Буни ҳисоб бўйича — иккинчи авлод қонунидир.

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуннинг (янги тахрири) мақсади давлат ва жамиятимиз ҳаётидаги ўзига хос тузилма — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тартибга солишга қaratилган. "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тобора илдамлаб бораётган ҳозирги давримизда давлатнинг бир қатор ваколат ва функцияларини жойларга, фуқаролик жамиятининг турли институтларига, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш, аниқ пайтда навбатдаги босқич — фуқаролар ижтимоий фаолигини кучайтириш пировадарида ижтимоий шерикликка ўзига хос кўприк вази-фасини ўташга хизмат қилади. Дарҳақиқат, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш конституциявий кафолатланган фаолиятдир. Конституциянинг 105-моддасида назарда тутилган норма бунинг далилидир. Айнан ушбу ҳол қонуннинг 3-моддасида янада мустақамланди. Унга кўра, фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларини ўз манфаатларидан, ривожланишининг

тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва аъёналардан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиш борасидаги фаолиятни амалга ошириш имкони берилгай.

Энг муҳими, фуқаролар фуқаролар йиғинларини бевосита ёки ўзалари сайлаган вакиллари орқали бошқаришда тенг ҳуқуқларга эгадирлар. Халқимизга хос ўзаро ёрдам, ижтимоий шериклик, маҳаллий урф-одатлар ва аъёналарни ҳисобга олиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг принциплари сифатида қайд этилди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши республикаимизнинг бутун ҳудудида амалга оширилади. Бу дегани — мазкур тузилма шаҳар-у қишлоқда ҳам амал қилади. Бугунги кунда фуқаролар йиғинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллалар сони 10 миңдан ортинки ташкил этади. Шунини айтиш лозимки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмаслиги, қонун ҳужжатлари билан берилган ўз ваколатларини тегишли ҳудуд доирасида амалга ошириши ва юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланиши ҳақидаги тартиблар сақлаб қолинди.

Ушбу қонуннинг 11-12-моддалари фуқаролар йиғинининг ваколатларини белгилайди. Жумладан, улар орасида йиғиннинг халқ депутатлари тўғрисидаги қонуннинг 11-12-моддалари фуқаролар йиғинлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидаги ҳисоботларини эшитиши, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолияти субъектларини ташкил этиши, қайта ташкил этиши ва тугатиши, ер

участкаларини бериш масалаларини кўриб чиқиш туман, шаҳар комиссиясига ўз вакилини юбориши, тегишли ҳудуд доирасида жойлашган (яшаётган) тадбиркорлик фаолияти субъектларини, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик субъектлари томонидан кредитлар олиншида белгиланган тартибда кафил бўлиши каби ваколатлар ўзига ҳосдир. Шунингдек, фуқаролар йиғини ҳудуди бўйича назарда тутилган харажатлардан келиб чиқиб, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва вояга етмаган болалари бўлган муҳтож оилаларга, икки ёшга тўлмаган болалари бор ишламайдиган оналарга, бюджет ташкилотларида ишлайдиган оналарга ҳамда уларнинг ўрнини босувчи шахсларга нафақалар тайинлаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этади, оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадларида марказлаштирилган тарзда ажратилмайдиган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлайди.

Айни вақтда фуқаролар йиғини рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолият кўрсатишининг олдини олиш, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқига риоя этилишини таъминлаш, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўймайлик юзасидан чоратадбирларни кўради, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқади.

Қонун фуқаролар йиғини раисининг қатор ваколатларини ҳам белгилайди. Раис (оқсоқол) белгиланган тартибда ўлимни қайд этиши, шунингдек, айрим ишончномаларни тасдиқлаши мумкин. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида маслаҳат марказларини ташкил этишга ҳақли.

Дарвоқе, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар мансабдор шахсларнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларни тегишли ҳудудда яшовчи фуқаролар ва ушбу ҳудудда жойлашган юридик шахслар, шунингдек, уларнинг мансабдор шахслари томонидан ижро этилиши учун мажбурийдир. Мазкур қонунда йиғин раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари ваколат мuddати икки йарим йилгича сақлаб қолинди.

"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг (янги тахрири) мақсади шаҳарча, қишлоқ, овул, шунингдек, шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги, овуллардаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш борасидаги муносабатларни тартибга солишдир. Қонунга кўра, мазкур сайловларда иштирок этиш Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ихтиёрийлигига ва эркинлигига асосланади. Сайлаш

ҳуқуқига сайлов кунигача 18 ёшга тўлган ҳамда шу ҳудудда доимий яшовчи фуқаролар эгадирлар. Сайлов ошкоралик, муқобиллик (икки ва ундан кўп номзод кўрсатган ҳолда) ва тенг сайлов ҳуқуқи принциплари асосида ташкил этилади ва ўтказилади. Ҳар бир иштирокчи бир овозга эга. Йиғин раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари фуқаролар йиғини томонидан, йиғинни чақиртириш имкони бўлмаган тақдирда эса, фуқаролар вакилларининг йиғилиши томонидан икки йарим йил мuddатга сайланади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш мuddатлари сайлов бошланишидан камидан икки ой олдин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши томонидан белгиланади. Сенат Кенгаши фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссия тузади. Сайловни ташкил этиш ва уни ўтказишга амалий ёрдам кўрсатиш учун ҳудуд шундай комиссиялар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрида, туманлар ва шаҳарлар ҳудудида ҳам тузилади. Энг қуйида — фуқаролар йиғинларида ҳам сайловни ташкил этиш ва уни ушшоққил билан ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлар шакллантирилади.

Қонун сайловни ташкил этиш ва уни ўтказиш даврига тузиладиган ушбу комиссиялар, ишчи гуруҳларнинг ваколатларини ҳам белгилайди. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар кўрсатиш тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикри инobatга олинган ҳолда ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади. Номзод Ўзбекистон фуқароси, қанда тарихида, олий маълумотли, бевосита сайловга қадар камида беш йил шу ҳудудда доимий яшаётган бўлиши, ташкилотчилик қобилиятига, давлат органларида, нодавлат нотижорат ташкилотларида ёхуд тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига, шунингдек, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчилари лавозимларига номзодлар тегишли ҳудудда доимий яшайдиган фуқароларнинг фикри инobatга олинган ҳолда ишчи гуруҳ томонидан кўрсатилади. Сайлов очиқ ёки яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг яримдан кўпроги овозини олган номзод фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари лавозимига сайланган, деб ҳисобланади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари ваколатлари мuddатидан илгари тугатилган тақдирда, мазкур қонун талабларига мувофиқ янги сайлов ўтказилади. Сайлов натижалари бўйича фуқаролар йиғини (вакиллари йиғилиши) бир ой ичида фуқаролар йиғини кенгашини шакллантиради.

Бир сўз билан айтганда, янги қонунлар кучга кирди. Бу қонунлар маҳалла институтининг жамиятдаги нуфузини янада оширишига шубҳа йўқ.

Миродил БАРАТОВ,
ТДЮИ профессори

роларнинг фикри инobatга олинган ҳолда ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади. Номзод Ўзбекистон фуқароси, қанда тарихида, олий маълумотли, бевосита сайловга қадар камида беш йил шу ҳудудда доимий яшаётган бўлиши, ташкилотчилик қобилиятига, давлат органларида, нодавлат нотижорат ташкилотларида ёхуд тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига, шунингдек, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчилари лавозимларига номзодлар тегишли ҳудудда доимий яшайдиган фуқароларнинг фикри инobatга олинган ҳолда ишчи гуруҳ томонидан кўрсатилади. Сайлов очиқ ёки яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг яримдан кўпроги овозини олган номзод фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари лавозимига сайланган, деб ҳисобланади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари ваколатлари мuddатидан илгари тугатилган тақдирда, мазкур қонун талабларига мувофиқ янги сайлов ўтказилади. Сайлов натижалари бўйича фуқаролар йиғини (вакиллари йиғилиши) бир ой ичида фуқаролар йиғини кенгашини шакллантиради.

Ишонч телефонлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига руҳсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга руҳсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов микдорини белгилашда қўнбўзилиш, бюрократик тўсиқликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда, Сиз тадбиркорлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солиқ, валютга оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар прокуратураларининг қуйидаги "Ишонч телефони" рақамларига ёки «007» қисқа рақамига қўнғирок қилишингиз мумкин.

№	Прокуратура органлари	Ишонч телефонлари
1.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	Код: 8371 232-43-91 232-45-40
2.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги СВОЖДЛИК Департаменти	Код: 8371 233-84-20
3.	Андижон вилоят прокуратураси	Код: 8374 224-06-09
4.	Бухоро вилоят прокуратураси	Код: 8365 223-74-79
5.	Жиззах вилоят прокуратураси	Код: 8372 226-09-62
6.	Қашқадарь вилоят прокуратураси	Код: 8375 221-07-82
7.	Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси	Код: 8361 222-26-39
8.	Навоий вилоят прокуратураси	Код: 8436 225-07-17
9.	Наманган вилоят прокуратураси	Код: 8369 226-23-02
10.	Самарқанд вилоят прокуратураси	Код: 8366 235-07-34
11.	Сирдарё вилоят прокуратураси	Код: 8367 223-38-22
12.	Сурхондарё вилоят прокуратураси	Код: 8376 223-20-36
13.	Тошкент шаҳар прокуратураси	Код: 8371 271-12-26
14.	Тошкент вилоят прокуратураси	Код: 8371 277-76-18
15.	Фарғона вилоят прокуратураси	Код: 8373 224-04-80
16.	Хоразм вилоят прокуратураси	Код: 8362 227-45-71

Бундан ташқари, фуқароларнинг илтимос ва муурожаатларини қундалик навбатчилик асосида қабул қилиш бўйича барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари ташкил этилган.

Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Жинойатчиликни ўрганиш ва унинг олдини олиш масалалари

Жинойатчиликка қарши кураш соҳасидаги энг муҳим ва самарали йўналишлардан бири жинойатларнинг олдини олиш ҳисобланади. Мамлакатимиз раҳбари Ислон Каримов "Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак" номи асариди бу борада тўхталиб: "Биз инсон угайиб, фаол турмушга киришиб, жинойат қилганда ёки қонунни бузгандагина у содир этган ҳуқуқбузарликларнинг оқибатлари билан муваффақиятли кураша бошлаймиз. Вақт ўтгач, бундай салбий ҳолатга қарши курашгандан кўра, яхшироқ бундай қонунбузиларнинг олдини олган ахли эмасми?" деган фикрни билдирган эди.

Дарҳақиқат, демократик жамиятда жинойатчиликка қарши кураш фақат жинойатчиликни чоралар орқали эмас, балки жинойатларнинг олдини олиш, унинг сабаб ва шароитларини бартараф қилиш, унинг йўлига тўсиқ қўйиб чора-тадбирларини яхлит тарзда қўллаш орқали ҳам амалга оширилади. Бундай вазифани амалга ошириш эса жинойатчиликнинг сабаб ва шароитлари ҳақидаги барча масалаларни чуқур илмий асосланган ҳолда таҳлил қилишни, жамиятда жинойатчиликни озиқлантириб турувчи ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги ҳодиса, воқеа ва жараёнларни аниқ билишни талаб қилади.

Инсоннинг ўз ривожланишининг энг дастлабки босқичларидаёқ жинойатчиликни фақатгина жазо ёрдамида тизгинлаб туриш мумкин эмаслигини тушуниб етган. Даврлар ўтиб, инсон тафаккурида жиноятнинг олдини олиш жазолашдан афзал эканлиги ҳақидаги тушуна пайдо бўлди.

Юнон файласуфи Афлотун қонун чиқарувчиларга муносабат қилиш, уларни жинойат содир қилиши мумкин бўлган кишиларни жиноятдан жиркандишга чорлайдиган қонунлар яратишга чалқирган. Яъни у қонун ижодкорлари шундай қонунлар яратсинларки, бу қонунлар таъсирида қилишар ўзларини жинойат содир қилишдан сақласинлар, деган фикрни билдирган. Махшур француз мутафаккири, ҳуқуқшунос ва файласуф Шарль Луи Монтескье ўзининг "Қонунлар руҳи ҳақида" деб номланган фалсафий ҳуқуқий асариди шундай фикрни билдирган: "Ақли қонун чиқарувчи жинойат учун жазо ҳақида эмас, балки жинойатларнинг олдини олиш учун қайғуради. У жинойат учун жазолаш эмас, балки ахлоқни яхшилаш учун ҳаракат қилади".

Жинойатчиликка қарши кураш, унинг сабаб ва шароитларини бартараф қилиш, жинойатчиликнинг олдини олиш ҳақидаги фалсафий аҳамиятга эга бўлган ва ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган бўлиши ҳақида тўтган ўрни, ижтимоий мақоми алоҳида белгилаб қўйилган бўлиб, унинг 63-моддасида оила жамиятининг асосий бўлини ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиши кафолатланган.

Мустиқлик йилларида Ўзбекистонда оила институтини мустақкамлаш борасида кенг қўллаб-қувватлаш амалга оширилди. Энг аввало оиланинг ижтимоий ҳимоя муносабатларини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий базаси яратилди, оила аъзоларининг, жумладан, хотин-қизлар ва болаларнинг манфаатлари ҳимоясига эътибор янада кучайтирилиб, давлат сибсантининг устувор йўналишига айланган.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш,

уларнинг моддий фаровонлик даражасини ошириш, кекса авлод манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, ўсиб келаётган ёш авлодининг жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан баркамол инсон бўлиб вояга етиши учун шарт-шароит яратиш давлатимиз олиб бораётган кучли ижтимоий ҳимоя сибсантининг тўғри негизини ташкил этади.

Турли сабаблар билан ота-онаси парвариши ва моддий таъминотидан маҳрум бўлиб қолган етим болалар, ёлғиз нағирлар ва қаришлар, моддий мададага эҳтиёжман бўлган бошқа тоифадаги фуқароларга давлат гамхўрлиги кўрсатилади ва улар моддий таъминотида қўмақланади — давлат ижтимоий сибсантининг муҳим жиҳатларидан бўлиб, бозор муносабатлари қарор топиши шароитида аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш тамойилига мос келади.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғри-

да" қонунининг 19-моддасида кўрсатилишича: "Вафот этган бokuвчининг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари бokuвчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда фарзандларга ва ушбу модданинг "в" бандида кўрсатиб ўтилган шахсларга пенсия улар бokuвчининг қарамоғида турган турмушгадан қатъи назар тайинланади. Яъни, бундай ҳолатдаги оиланинг меҳнатга қобилиятсиз аъзоларига: ёшидан ва меҳнат қобилиятидан қатъи назар, ота ва онадан бири ёки эр(хотин) ёхуд бува, буви, ака-ука ёки опа-сингил, агар у вафот этган бokuвчининг болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ёки набираларини, ишловчиларга болага қараш учун иш ҳақи сақланмаган таътилга бўлиш ҳуқуқини берилган ёшга тўлгунга қадар бoқиш билан машғул бўлса ва ишламаса қиради.

Мазкур қонун доирасида бokuвчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқига эга бўлганини инкор этиб бўлмайди. Жумладан, ўзининг домига янги қурбонларини тортаётган ва уларни физиологик, психологик ва моддий қарамаликка солиб қўяётган гиеҳандлик воситалари муомаласи ва одам савдоси билан боғлиқ жинойатлар бутун инсоният муаммосига айланган. Бундай жинойатлар турига иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг муҳим соҳаларига таъсирини ўтказаятган уюшган жинойатчилик ва бошқа жинойатлар ҳам қиради.

Шунинг учун ҳам жинойатчиликка қарши кураш соҳасида барча давлат ва жамиятчилик кучи ва воситалари жалб қилинган ҳолда қатъият билан ислохотлар ўтказилиб, жинойатчиликка қарши кураш, уларни профилактика қилиш ҳуқуқни муҳофазат қилувчи органлар фаолиятида янги поғонага кўтарилмоқда. Шу ўринда мамлакатимиз раҳбарининг юқорида қайд қилинган асариди: "Жинойатчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ", деган фикрларини эслаш kifoya.

Жинойатчиликнинг олдини олишнинг бутун тизими жинойатчиликнинг статистик хarakterистикасига асосланади. Бу билан эса таъкидлаш жоизки, жинойатчиликнинг олдини олиш вазифаси жинойатларга нисбатан чора кўришдан бир қадам олдинроқда юришти лозим. Шу сабабли жинойатчиликнинг статистик хarakterистикаси устидан махсус қузатиш тизимини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга. Шундай экан, фикримиэча, жинойатчиликка қарши курашувчи органларнинг жинойатларнинг олдини олиш, профилактика қилиш ишлари самарадорлигини баҳолаш тизимини тўбдан ўзгартириш ва уларга ижтимоий мезонларни киритиш давр тақрoсидир. Чунки, ҳар бир давлат органининг самарадорлиги, улар томонидан фойдаланиладиган ижтимоий механизмлар контекстидагина тан олинishi мумкин. Ҳеч бир давлат органи яхши йўлга қўйилган ижтимоий механизмлар сиз самарали фаолият кўрсата олмайди. Бунга шубҳа бўлиши мумкин эмас, чунки бу механизм демократик принципни ифодаланишидир.

Масаланинг аҳамияти яна шундан ҳам келиб чиқадики, мамлакатимизда амалга ошириляётган иқтисодий, ижтимоий ўзгаришлар жараёнида амалиёт талабларидан келиб чиққан ҳуқуқий

ёттанини инкор этиб бўлмайди. Жумладан, ўзининг домига янги қурбонларини тортаётган ва уларни физиологик, психологик ва моддий қарамаликка солиб қўяётган гиеҳандлик воситалари муомаласи ва одам савдоси билан боғлиқ жинойатлар бутун инсоният муаммосига айланган. Бундай жинойатлар турига иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг муҳим соҳаларига таъсирини ўтказаятган уюшган жинойатчилик ва бошқа жинойатлар ҳам қиради.

Шунинг учун ҳам жинойатчиликка қарши кураш соҳасида барча давлат ва жамиятчилик кучи ва воситалари жалб қилинган ҳолда қатъият билан ислохотлар ўтказилиб, жинойатчиликка қарши кураш, уларни профилактика қилиш ҳуқуқни муҳофазат қилувчи органлар фаолиятида янги поғонага кўтарилмоқда. Шу ўринда мамлакатимиз раҳбарининг юқорида қайд қилинган асариди: "Жинойатчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ", деган фикрларини эслаш kifoya.

Жинойатчиликнинг олдини олишнинг бутун тизими жинойатчиликнинг статистик хarakterистикасига асосланади. Бу билан эса таъкидлаш жоизки, жинойатчиликнинг олдини олиш вазифаси жинойатларга нисбатан чора кўришдан бир қадам олдинроқда юришти лозим. Шу сабабли жинойатчиликнинг статистик хarakterистикаси устидан махсус қузатиш тизимини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга. Шундай экан, фикримиэча, жинойатчиликка қарши курашувчи органларнинг жинойатларнинг олдини олиш, профилактика қилиш ишлари самарадорлигини баҳолаш тизимини тўбдан ўзгартириш ва уларга ижтимоий мезонларни киритиш давр тақрoсидир. Чунки, ҳар бир давлат органининг самарадорлиги, улар томонидан фойдаланиладиган ижтимоий механизмлар контекстидагина тан олинishi мумкин. Ҳеч бир давлат органи яхши йўлга қўйилган ижтимоий механизмлар сиз самарали фаолият кўрсата олмайди. Бунга шубҳа бўлиши мумкин эмас, чунки бу механизм демократик принципни ифодаланишидир.

Масаланинг аҳамияти яна шундан ҳам келиб чиқадики, мамлакатимизда амалга ошириляётган иқтисодий, ижтимоий ўзгаришлар жараёнида амалиёт талабларидан келиб чиққан ҳуқуқий

Баҳодир ПўЛАТОВ,
Бош прокуратуранинг
ОУК тинловчиси

ислохотлар жинойатчиликнинг олдини олиш соҳасида чуқур ўзгаришларни ҳам кўзда тутади. Бу вазифанинг жорий этилиши эса биринчи навбатда ҳуқуқни муҳофазат қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ. Шундай экан, жинойатчиликнинг олдини олиш ва уларга қарши туришнинг замонага мувофиқ келадиган самарали усулларини ишлаб чиқиш лозим бўлади.

Жинойатчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш ишига оммавий ахборот воситаларининг жалб қилиниши ҳам муҳимдир. Улар ўз навбатида нафақат жинойатчилик профилактикасини, балки ижобий ҳулқ-атвори, қонунларга итоаткорликни ҳам ташвиқ қилишлари ва омма-лаштиришлари лозим. Айнан ОАВ жинойатчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишда аҳоли мададага таянишда алоқа воситаси вазифасини бажара олади. Аҳолини жинойатчиликнинг олдини олишга фoғд жалб қилиш, жамиятчилик оғилда ҳар бир шахснинг шахсий хавфсизлиги умумий жинойатчиликнинг олдини олишнинг самарали тизимисиз таъминланиши мумкин эмаслиги ҳақидаги фикрларни шакллантириш ва мустақамлаш устувор аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, жинойатчиликни қузатиш, уни ўрганишнинг умумий ва хусусий илмий усулларини, назарий ва методологик асосларини ишлаб чиқиш вақти келди. Бундай ёндашув криминалогик изланишлар ва унинг назарий даражасини, фан ва амалиётнинг ўзаро алоқасини белгилайди ва Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий сибсантининг долзарб йўналишлари концепциясини ифода этади ва илмий изланишлар даражасини хarakterейлади.

Жинойатчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш ишлари самарадорлигини ошириш учун криминалогик мониторинг тизими яратилиши лозим. Криминалогик мониторинг — бу шундай қузатув олиб бoриш тизимики, у орқали жинойатчилик ҳолати ўрганилади ва қузатиб бoрилади, уларнинг олдини олиш бўйича тегишли чоралар қуриш учун унинг салбий тенденциялари олдиндан баҳорат қилинади ҳамда қайд қилинган соҳада давлат ва жамиятчилик фаолияти баҳоланади ва назорат қилинади.

Оилада ижтимоий ҳимоянинг ўрни ва роли

Бош Қонунимизда оиланинг жамият ҳаётида тўтган ўрни, ижтимоий мақоми алоҳида белгилаб қўйилган бўлиб, унинг 63-моддасида оила жамиятининг асосий бўлини ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиши кафолатланган.

Мустиқлик йилларида Ўзбекистонда оила институтини мустақкамлаш борасида кенг қўллаб-қувватлаш амалга оширилди. Энг аввало оиланинг ижтимоий ҳимоя муносабатларини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий базаси яратилди, оила аъзоларининг, жумладан, хотин-қизлар ва болаларнинг манфаатлари ҳимоясига эътибор янада кучайтирилиб, давлат сибсантининг устувор йўналишига айланган.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш,

уларнинг моддий фаровонлик даражасини ошириш, кекса авлод манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, ўсиб келаётган ёш авлодининг жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан баркамол инсон бўлиб вояга етиши учун шарт-шароит яратиш давлатимиз олиб бораётган кучли ижтимоий ҳимоя сибсантининг тўғри негизини ташкил этади.

Турли сабаблар билан ота-онаси парвариши ва моддий таъминотидан маҳрум бўлиб қолган етим болалар, ёлғиз нағирлар ва қаришлар, моддий мададага эҳтиёжман бўлган бошқа тоифадаги фуқароларга давлат гамхўрлиги кўрсатилади ва улар моддий таъминотида қўмақланади — давлат ижтимоий сибсантининг муҳим жиҳатларидан бўлиб, бозор муносабатлари қарор топиши шароитида аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш тамойилига мос келади.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғри-

да" қонунининг 19-моддасида кўрсатилишича: "Вафот этган бokuвчининг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари бokuвчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда фарзандларга ва ушбу модданинг "в" бандида кўрсатиб ўтилган шахсларга пенсия улар бokuвчининг қарамоғида турган турмушгадан қатъи назар тайинланади. Яъни, бундай ҳолатдаги оиланинг меҳнатга қобилиятсиз аъзоларига: ёшидан ва меҳнат қобилиятидан қатъи назар, ота ва онадан бири ёки эр(хотин) ёхуд бува, буви, ака-ука ёки опа-сингил, агар у вафот этган бokuвчининг болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ёки набираларини, ишловчиларга болага қараш учун иш ҳақи сақланмаган таътилга бўлиш ҳуқуқини берилган ёшга тўлгунга қадар бoқиш билан машғул бўлса ва ишламаса қиради.

Мазкур қонун доирасида бokuвчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқига эга

Ғулoмбек АТАДЖАНОВ,
ТДЮИ магистранти

бўлган шахслар доирасининг аниқ белгила-ниши, вафот этган шахснинг яқин қариндоши, меҳнатга лаяқатсизлиги ва унинг бokuвчиси бўлганлиги пенсия олиш ҳуқуқини белгилувчи омиллар сифатида эъти-роф этилганлигидан далолат беради.

Юқоридегилардан келиб чиқиб, эътироф этиш жоизки, юртимизда олиб бoриляётган бу каби гамхўрликлар энг аввало, ота-онаси меҳридан маҳрум бўлган болаларга ва бokuвчисини йўқотган ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларни меҳор-муруват нуридан баҳраманд қилишга хизмат қилмоқда. Зеро, юртимизда барча соҳаларда олиб бoриляётган ислохотларнинг тўб замири ҳам биринчи галда, инсон манфаатларининг тўлақонли таъминланишига қаратилгандир.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг асосий йўналишларидан бири давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан фаол ҳамкорлиги ҳисобланади. Давлат бошқарувини модернизациялаш, коррупция ва жиноятчиликка қарши кураш, давлатнинг вазифалари ва хизматларини амалга ошириш сифатини юксалтириш эҳтиёжлари туфайли жамоатчилик назоратининг аҳамияти тобора ошиб бормоқда.

Парвозга мустақкам қанот

Қобил ШОИМОВ,
Навоий вилояти "Тараққиёт"
минтақавий тадқиқот маркази
директор ўринбосари

"Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да Президентимиз Ислам Каримов томонидан стратегик йўналиш сифатида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонуни қабул қилиш фурсати етганлиги, унга мувофиқ инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқишнинг долзарб аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Ушбу дастур, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантириш ва шу каби бошқа соҳаларга оид қонунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини олиб боришга қаратилган чора-тадбирларни ўзида мужассам этади. Республикамизда амалга оширилаётган "Обод турмуш йили" Давлат дастурида ҳам янги қонунни қабул қилишга алоҳида эътибор берилган.

Навоий вилоят "Тараққиёт" минтақавий тадқиқот маркази Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларни қўллаб-қувватлаш жамоат Фонди томонидан эълон қилинган танловда "Фуқаролик жамияти барпо этиш шароитида самарали жамоатчилик тизимини яратиш учун аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш" лойиҳаси билан катнашиб, давлат грантини қўлга киритди. Ушбу лойиҳа доирасида марказ вилоятнинг туман ва шаҳарларида аҳолининг турли қатламлари ўртасида 800 дан ортиқ социологик сўровнома ўтказиб, унда жамоатчилик назорати, уни амалга оширишдаги нодавлат нотижорат ташкилотлари, касаба уюшмалари, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари фаолияти, аҳоли айниқса, ёшларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки, депутатлар фаолияти, давлат, тадбиркорлик субъектлари ва "учинчи сектор"нинг ижтимоий ҳамкорлиги ва бошқалар хусусида фикрлар ўрганилди. Тадқиқот натижалари таҳлил этилиб, таклиф ва мулоҳазалар тегишли ташкилот ва муассасаларга юборилди.

Лойиҳа доирасида марказ интернетда www.taraqqiyot.uz сайтини яратиб, у орқали аҳолига жамоатчилик назоратини жорий этиш, назорат субъектларининг фаолияти, қонунчилик базаси, кутубхона, сўровномалар, тадқиқотлар каби ахборотларни жамлаб, интерактив хизматларни амалга оширмоқда.

Аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш ва самарали жамоатчилик назорати тизимини яратишга қаратилган семинарлар вилоятнинг Навбахор, Кармана, Конимех, Нурота, Қизилтепа, Хатирчи туманлари ва Зарафшон шаҳри касб-хунар коллежлари ўқитувчи ва ўқувчилари ҳамда Навоий Давлат педагогика институти талабаларидан 500дан ортиғи иштирокида ташкил этилди. Тадбирларда тадқиқот маркази илмий ходимлари билан бир қаторда, вилоятда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, адлия бошқармаси, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳамда фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлими маси фаол катнашиб, соҳага оид олиб бораётган ишлар тўғрисида маълумот беришди.

Семинарлар жараёнида ёшлар назарий ва амалий билимларини ошириш билан бир қаторда, ўзларининг жамоатчилик назоратига оид қўллаб саволларига жавоблар олишди. Жумладан, марказ катта илмий ходими Зафар Эгамовнинг "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси, Лазиз Шукуровнинг "Фуқаролик жамиятида фаол фуқаролар: масъулият, алоқадорлик ва юксак маданият" мавзусидаги машғулот, Мехриддин Бозоровнинг "Демократия дарҳати" мавзуси юзасидан ўтказган машқари тадбир иштирокчиларига манзур бўлди.

Ушбу мавзулардаги баҳс иштирокчиларга фикрларини эркин намоеён этишлари, ҳуқуқий ва сиёсий билимларига асосланган ҳолда ҳаётда уни қўллаб билишларига рағбатлантирувчи омил бўлди.

Семинар қатнашчиларига марказ томонидан тайёрланган "Юксак ҳуқуқий маданият ва самарали жамоатчилик назорати орқали — тараққиёт сари" номли услубий қўлланма тарқатилиб, унда жамоатчилик назоратига оид халқаро ва миллий қонунчилик, фуқаролик жамияти институтлари ролига оид мақолалар ва назоратни амалга ошириш бўйича амалий тавсиялар ўрин олган.

Олти ой давом этган лойиҳа аянлари бўйича яқинда бўлиб ўтган тақдирот ва магбуот анжуманида марказ ходимлари томонидан бажарилган ишлар ва бу борада мавжуд камчиликлар хусусида фикр юритилиб, келгусида амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар юзасидан таклифлар илгари сурилди.

Савдода ҳам қоида бор

М.ХАМРОЕВ,

Навоий вилоят ДСБ бўлим бош инспектори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 24 январдаги "Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китоблар механизмини янада тартибга солиш тўғрисида"ги Қарори иқтисодиётни соғломлаштириш, миллий валютаимиз қадрини ошириш борасида муҳим аҳамият касб этмоқда. Қарор ижросини таъминлаш юзасидан вилоят Давлат солиқ бошқармаси ва унинг жойлардаги инспекциялари томонидан бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, қарор талабларинан келиб чиққан ҳолда вилоят ҳудудида фаолият юритаётган чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида нақд хорижий валюта муомаласига йўл қўйилиши эҳтимоли кўпроқ бўлган ҳўжалик субъектлари рўйхати шакллантирилди ҳамда уларнинг раҳбарлари бундай ноқонуний савдони амалга оширганлик учун жавобгарлик белгиланганлиги ҳақида огоҳлантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида келтирилган қарорига мувофиқ, нақд хорижий валюта муомаласига йўл қўймаслик масалалари хусусида аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда ҳам жадвал асосида аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тарғибот ишлари давом эттирилмоқда.

Президентимизнинг мазкур қарори ижросини таъминлаш юзасидан Навоий вилоят Давлат солиқ, ички ишлар ва СВОЖДЛКК департаменти ҳудудий бошқармаларининг қўшма чора-тадбирлар режасига асосан, мазкур идоралар масъул ходимларидан ташкил топган ишчи гуруҳи фаолият юрит-

моқда. Жумладан, вилоят ҳудудида жойлашган 5 та ҳўжалик юритувчи субъектлар ("Камелла тревел", "Авиатерра", "Олимбек кўрғони", "Учқун авиа тревел", "Софт Сраке" масъулияти чекланган жамиятлар)га қарашли авиачипталар сойтиш ишлари шуғулланувчи шохобчаларда белгиланган тартибда қисқа муддатли текширишлар ўтказилиб, 5 ҳолатда 4231,0 минг сўмга харидорларга харид чеки берилмагани, 5 ҳолатда кунлик савдодан тушган 4696,5 минг сўм нақд пуллар яширилгани ва бир ҳолатда тўлов терминали ўрнатилмагани аниқланди.

Шу йилнинг апрель ойида Навоий шаҳрида хусусий тадбиркор А.Собировга қарашли савдо дўконида бошқарма ходимлари томо-

нидан белгиланган тартибда қисқа муддатли текшириш ўтказилди. Унда хусусий тадбиркор А.Собиров харидорга хариди учун 75 минг сўмлик чек бермаганлиги, савдодан тушган нақд пуллардан 239 минг 600 сўмини дўконда ўрнатилган назорат-касса машинасига кириш қилмаганлиги, шу-нингдек, кириш ҳужжатлари билан расмийлаштирилмаган, чет элларда ишлаб чиқарилган, божхона юки декларациясиз 14 турдаги 66 млн. 269 минг сўмлик қийим-кечакларни савдога олиб чиққанлиги аниқланди. Бундан ташқари, А.Собиров яширин бухгалтерия ҳисоби юритганлиги, ушбу иккиламчи бухгалтерия ҳисоби кўздан кечирилганда, ноқонуний равишда 5230 АҚШ доллари миқдоридан нақд хорижий валютада савдони амалга оширилганлиги фош этилди. Юқорида тилга олинган ҳолатларда савдо қондалари билан бузган шахсларга нисбатан қонуний чоралар қўрилиб, улар тегишлича мўлқий ва маъмурий жараимага тортилди.

Ободлик кўнгиладан бошланади

Дунёга ўз ўрни, нуфузига эга, обод ва озод мамлакатда яшаймиз. Юртимиз тинч, осмонимиз мусафот. Эртанги кунимиздан кўнглимиз тўқ-хотиржам, омавлариниз фаровон. Фарзандларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай камол топиши учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилмоқда. Халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтириш мақсадида янги, замонавий уй-жойлар, бир-бирдан кўркям иншоотлар, кенг ва раван йўллар қурилади, боғлар яратилади.

Шу кунларда Марғилонга ташриф буюрсангиз, беқийёс янгиланишлардан, ўзгаришлардан ҳайратланасиз. Шаҳарнинг Мустақиллик кўчаси, Марғилон темир йўл шохбекати, Бурхониддин Марғиновий, "Туркистон" кўчалари-ю, ёшлар хиёбонининг кўрки ҳар қандай меҳмоннинг диққат-эътиборини ўзига тортади. Энг сўнгги русумдаги технологиялар билан жиҳозланган "Оршах ев текстил", "Нарм текс", "Нурли тонг силк" ҳамда "Тексожен" каби ўнлаб ишлаб чиқариш корхоналари, уларда меҳнат қилаётган бахтли ёшларни кўрган кишининг ҳавасига ҳавас қўшилади. Ушбу бунёдкорликлар меҳнаткаш халқимизнинг азму шижоатини, юксак мақсадларини, буюк орзуларини бутун дунёга баралла намоеён этиб турибди.

— Яқинда маҳалламизнинг бир гуруҳ меҳнат фахрийлари учун вилоятимиз бўйлаб саёҳат уюштирилди. Улар вилоятимизда бўлаётган бунёдкорликлар, ўзгаришлар билан яқиндан танишдилар, бир-бирлари билан сўхбатлашиб, фарзандлари, неварачевараларининг ўқишда, ишда эришаётган ютуқ-муваффақиятлари, ўтказила-

Мухаммадjon МАХМУДОВ,
меҳнат фахрийси

ётган тўйлар, дориланон кунлар ҳақида мириқиб гурунглашдилар. Нуроний отахонларимиз кейинги вақт мобайнида Фарғона шаҳрида барпо этилган бинолар, кенг йўлларни кўриб, ҳайратланганликларини билдирдилар. Айниқса, бири-биридан ажралиб турадиган кўп қаватли иншоотларни кўрган киши завқланмай илоҳи йўқ. Бундай бунёдкорликлар халқимиз салоҳиятидан, юртимиз кудратидан, эл-юрт фаровонлиги йўлида қилинаётган ишлар янада авж олишидан далолатдир, — дейди уруш ва меҳнат фахрийси, 88 ёшли Абдусамат ота Фуломов. — Юртбошимизга минг раҳмат!

Айни кунларда шаҳарнинг ҳар бир кўчаси, хиёбони ва маҳалласида қурилиш, таъмирлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари давом этмоқда. Ҳар бир хондон ва маҳаллани саранжом-саришта этишдек ташаббуслар умумхалқ тадбирларига, ҳашарларга айланиб кетди. Бир-биридан ибрат олиб, яхши ният билан кўчат ўтқазаётган, ободончилик ишларида қатнашаётган фуқароларнинг ғайратини кўриб, завқингиз ошад.

Марғилон шаҳрида амалга оширилаётган ишлар ҳам барчанинг эътиборини тортаяпти. Бугун бу ерда кўчаларни кенгайтириш, янги замонавий кўп қаватли уй-жойлар, савдо мажмуалари, ижтимоий-иқтисодий иншоотлар барпо этиш ишлари жадал олиб борилмақда. Шаҳардаги 54 та маҳалла фуқаролар йигинлири билан ҳамкорликда йўлак ва хиёбонлар, боғ-роғлар, тарихий ёдгорликларни тартибга солиш ишлари давом эттириляпти.

Китоб — оғртоб

«КИТОБ МУТОЛААСИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР» МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ...

Китоб ҳақида ҳикматлар жула кўп: "Китоб — билим манбаи", "Кутубхона — нурухона", "Китобсиз билим бўлмайдил, билимсиз ҳаёт!", "Китоб ўқимаган сўқир" ва ҳоказо... Ҳуллас, китоб — зиё-нур, китоб — олоб-ахлоқ, меҳр-муҳаббат, чексиз фазилатлар мажмуи, энг буюк кашфиёт, ажойиб совғага.

Ўтган асрларда кўпгина мамлакатларда шоҳлар ўз халқига муносиб ҳаяя сифатида "Халқим ўқисин, ўргансин, билимни, онгли, олоб-ахлоқим, меҳр-шафқатли инсонлар бўйсин, дунёни танисин", деб турли китобларга бой бўлган кутубхоналар бунёд этганлар. Чунки билимли одам ҳеч қачон хору зор бўлмайдил. Бошига ҳар қандай мусибат тушганда ҳам ўзини назира қила олади. Шу боис ҳам маърифатпарвар, зиёли инсонлар китобни яқин дўст, яхши ҳамроҳ деб, билишади.

Мен таниқли журналист Норбўта Ғозиевнинг "Нуқид" газетасида чоп этилган "Китоб мутолааси: муаммо ва ечимлар" мақоласини катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Мақолада ҳақиқатдан ҳам фидойи зиёлиларимиз, захматкаш олимларимиз, илм-фан, маънавиятимиз яловбардорлари кўнглидаги гаплар тилга олинган. Чиндан ҳам китоб мутолааси бугунги кун ёшларимиз таълим-тарбиясида, уларнинг комил инсон бўлиб вояга етишида жуда ҳам муҳим. Аммо айрим ота-оналар, ўқитувчилар болаларнинг китоб ўқишига лоқайдлик, эътиборсизлик билан қарашади. Иш, рўзгор ташвишлари, деб фарзандининг қандай китоб ўқиганини ёхуд китоб ўқишга муносабати ҳақида бирон марта ҳам қизиқиш кўрмаган ота-оналар орамизда кўпга тегилади. Гоҳида ўйлаб қоламан, ўқувчиси охириги марта қайси китобни ўқигани ҳақида қизиқиш кўрмаган ўқитувчи педагог номига лойиқмикан? Халқимизда бола бошидан деган гап бекорга айтилмаган. Ёшларимизда болалар боғчасидаёқ, қолаверса, мактабга илк келган чоғиданоқ китоб ўқишга иштиёқ уйотишимиз керак. Сир эмаски, кейинги йилларда китоб мутолааси жамиятимиз ҳаётида оғрикли нукталардан бирига айланиб улгурди. Китоб ўқишининг аҳамиятини очиб берувчи, уни тарғиб этувчи мақолада негиздир сўнги йилларда анча

камайиб кетди. Борлари ҳам номигагина, юзаси ёзилгандек, назаримда. Аммо Н.Ғозиевнинг мақоласида асрлар давомида маънавият сарчашмаси бўлиб келган китобнинг ҳаётимиздаги аҳамияти, бугунги кунда ёшларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқиши сезиларли даражада пасайиб кетганлиги хусусида куюнчаклик билан фикр-мулоҳаза билдирилган. Мақола газетхонни миллат тақдирига, ўзининг ва фарзандларининг тақдирига берафқ бўлмасликка ундайдил. Тўғри, замон ўзгарди. Бугун фан-техника тараққий топган жамиятда яшашимиз. Ҳаётимизга компьютер, интернет каби замонавий технологиялар кириб келди. Ҳозирда интернет орқали дунё билан бемалол мулоқотда бўлиш мумкин. Инсоннинг билим доираси тест синовлари асосида ўлчанадиган бўлди. Аммо тест кишининг одоб-ахлоқини холисона баҳолай олмайдил, билимини бир томонлама кўрсатадил, холос.

Мени бир нарса кўп вақтдан бери чуқур ўйлантириб келадил. Айтайлик, сеvimли адибимиз Абдулла Қодирийнинг бирор йирик асарини ўқувчи бошидан охиригача компьютер орқали ўқий олармикан, бунга кучли, вақти етармикан? Холбуки, Қодирийни ўқимаган, билмаган ўзбек китобхони ўзбек адабиётини яхши англай олмайдил. Алишер Навоий, Захриддин Муҳаммад Бобур, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Саид

Аҳмад, Пиримқул Қодиров, Ўткир Хошимов, Эркин Воҳидов, Зулфия, Ойдин Ҳожиева, Абдулла Орипов каби элимиз ардоқлайдиган шоир ва ёзувчилар асарларини мактабда, уйда оила аъзолари ва дўстлар даврасида мутолаа қилиш кишига ўзгача маънавий завқ бағишлайдил. Бир пайтлар урф бўлган бундай тадбирни яна йўлга қўйиш, уни аънамага айлантириш ёшларимизнинг китоб ўқишга бўлган ҳавасини орттиришга хизмат қиладил, деб ўйлайман.

Эсимда бор. Мактабда ўқиб юрган пайтларим Ботир Тилаков, Панжи Эшонқулов, Муродулло Очиллов, Комил Шарипов каби устозлар синфимиз ўқувчиларини ҳар ҳафтада 1-2 та шеър ёдлаш ва ҳар ўн кунда бирорта қисса ёки роман ўқишга мажбур қилардилар. Бу чора ўша пайтда биз учун бироз малол келган бўлса-да, бироқ олий ўқув юртига ўқишга киришимизда роса асқотган. Олий ўқув юртига ўқишга кириш жараёнида шоир ва драматург Мақсуд Шайхзода, лирик шоир Ўткир Рашид, ўзбек адабиёти тарихи дарслиги муаллифи Натан Маллаев, ўзбек тили дарслиги муаллифи Саидзода Усмоновга имтиҳон топширдим. Ўшанда Шайхзода домла "Неча йилдан бўён ўқишга киришмайсан?" деб сўради. "Уч йилдан бўён", дедим. "Нега?" деб сўради. "Чунки ҳар йили рус тилидан диктантни ёмон баҳога топшираман", дея жавоб бердим. Домла менад: "Адабиётни севасанми? Шоир ва ёзувчилардан кимларни биласан?" — деб сўради. Мумтоз ва ҳозирги замон адабиётимиз вакиллари билан ўнлаб шоир ва ёзувчиларнинг номларини мисол келтирдим. Шунда Мақсуд Шайхзодининг ўша йилларда машҳур бўлган "Маржон" шеърини ва Ўткир Рашиднинг "Кел деди, келгин деди" кўшигини ёддан айтиб бердим. Шунда Шайхзода домла менга "Рус тилидан бир баҳо олган тақдирингда ҳам менга учрашмасдан

кетма", дедилар. Шу тариқа мен Низомий номидаги Тошкент Давлат институтининг тарих-филология факультетига ўқишга киришман. Ўшанда устозларимизнинг бизга нисбатан қаттиққўлликдан беҳад миннатдор бўлганам.

Хали-хануз ёдимда. 1963-1970 йилларда Қарши Давлат университетиде таниқли олимлар Поён Равшанов ва Тўра Нафасов раҳбарлигида ҳар 15-20 кунда бир маротаба китобхонлар конференцияси бўлиб ўтарди. Адабиёт бўйича турли мавзуларда суҳбат, савол-жавоб, мушоиралар ташкил қиларди. Ёш ижодкорларнинг янги шеърлари муҳобама қилиниб, уларга маслаҳатлар бериларди. Ёнғ яхши шеър, ҳикоялар эса чоп этилиш учун "Қашқадарё ҳақиқати" (ҳозирги "Qashqadaryo") газетасига юбориларди. Бу албатта, бир томондан ёш ижодкорларнинг қаламини чарчлашга хизмат қилган бўлса, иккинчи томондан уларда ўз устиде ишлаш, кўпроқ китоб ўқишга туртки бўларди.

1970 йилда Касби туманига Саид Аҳмад, Пиримқул Қодиров, Халима Худойбердиева, Абдулла Орипов, Жуманиёз Жабборов, Нормурод Нарзуллаевлар ташриф буоришиб, пахтакорлар ва ёшлар билан дилдан суҳбатлашиб, адабий мушоира уюштирган эдилар. Албатта, бундай тадбирларни воҳамиз ахли зўр шодиёна билан қарши олган эди. Шубҳасизки, бундай ижодий учрашувлар иштирокчилар қалбида адабиётимизга, тилимиз, маданиятимиз ва маънавиятимизга, қолаверса, китоб ўқишга бўлган муҳаббатни янада оширарди.

Яқинда кишлоғимиздаги мактаб кутубхонасида бўлдим. Афсуски, у ердан дилим жуда хира бўлиб қайтдим. Сабаби, биринчидан китоблар паллапартиш, бетартиб жойлаштирилган эди. Айрим китобларнинг чанг босиб ётгани яқин ўртада кўлга олинмагандан далолат берарди. Китобхон-

Асрор ҚИЛИЧЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
халқ таълими аълочиси,
меҳнат фахрийси

лардан холи бўлган кутубхона анчайин фэйзсиз кўринди. Кичик танаффус у ёқда турсин, ҳатто катта танаффусда ҳам бирорта ўқитувчи ёки ўқувчи китоб сўраб келмади. Шунда кутубхоначидан "Ўқувчилар китоб олиб ўқимайдими?" деб сўраган эдим, у совуқонлик билан "Ҳозир ўқувчилар китоб ўқишдан кўра, олди-қочди кино ва сериалларни томоша қилишни хуш кўришади. Ўқитувчилар эса онда-сонда ўзида йўқ китобларни олишадил-ю, дарров қайтаришади", дея жавоб берди. Во дариг! Наҳотки, кутубхоначи "Вазифа фақат китоб тарқатиш" деб ўйласа? Ўқувчилар қалбида китоб ўқишга ҳавас уйғотиш, китобхонлик тадбирлари ташкил этиш унинг бирламчи вазифаси эканлигини, наҳотки, билмаса?

Таълим соҳасида узок йиллар ишлаб, шу нарсага кўп бора гувоҳ бўлганманки, аксарият мактабларда аввал ҳам, ҳозир ҳам кутубхона мудирлигига номутахассис бўлган кадрлар, кўпинча бирор амалдорнинг яқин қариндоси, келини, қизи ёки жиғия тайинланади. Улар кўпинча номмагина иш юритишади. Аксарият ҳолларда эса кутубхонани ёпиб қўйишади. Бундай ҳолат эса, шубҳасиз, мактаб ўқувчиларининг китоб ўқишга бўлган қизиқишининг сусайишига сабаб бўлади.

Мухтасар қилиб айтганда, китоб бамисоли офтоб. Офтобсиз эса яшаб бўлмайдил. Шунинг учун ҳам биз ёши катталар китоб мутолаасининг инсон онгу тафаккурини юксалтиришдаги аҳамиятини ёшларга кўпроқ тарғиб этишимиз лозим. Зеро, билимлар катта хазинаси бўлган китоб инсонни ҳамшиша эзгуликка етақлайдил. Эзгулик макон топган қалб соҳиб эса ҳаётда адашмайди.

"GOLDEN BUILD TRADING" МЧЖ барча тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларни очиқ танлов савдоларига тақлиф этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Бухоро вилояти, Шофиркон туман ҳокимлигининг 2013 йил 7 майдаги 310-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қўйиладиган ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйиламоқда:

1. Манцийи хизмат кўрсатиш ва Ишлаб чиқариш биноси қуриш учун Бухоро вилояти, Шофиркон тумани Қалмақон қишлоқ фуқаролар йиғини эски истироҳат боғи ҳудудидан 1-зонасида жойлашган 200,0 кв.метрдан иборат 2 та (1-2-сонли) ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг ҳар бирининг минимал қиймати — 105 400 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳамжи Шофиркон туман архитектура бўлими томонидан тайёрланган шахарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шахарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов голиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 12 ой мuddатда амалга ошириши лозим.

Танлов тақлифчилари — "GOLDEN BUILD TRADING" МЧЖ. Танлов тақлифчиларининг манзили: Бухоро

вилояти, Бухоро шаҳар, Пиридастир кўчаси 12/2А-уй. Тел: (+99895) 604-71-21, (+99893) 960-71-21 электрон почта: g_b@list.ru.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов тақлифчиларидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридеги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов тақлифчиларига буюртманома билан бирга қўйиладиган ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар — давлат рўйхатида ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек ваколатли вақилининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танлов ваколатли вақил қатнашганда ваколатли вақилининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов тақлифчиларининг банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

— танлов ҳужжатлари талабгорига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов тақлифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2013 йил 8 июль кунга соат 18:00да тўхтаилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома берилшидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридеги закалатни закалат келишувига асосан танлов тақлифчиларининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг тақлифлари қайд этилган конвертлар Шофиркон туман ҳокимлиги биносида 2013 йил 9 июль кунга соат 11:00да очилади, 2013 йил 9 июль кунга соат 16:00да мазкур ҳокимлик биносида танлов голиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов тақлифи энг яхши деб

эътироф этилган талабгор танлов голиби деб топилади.

Юқоридеги ер майдонларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2013 йил 9 июлдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2013 йилнинг 24 июль кунга соат 11:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомалар қабул қилишнинг охириги мuddати 2013 йил 23 июль соат 18:00да тўхтаилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг тақлифлари қайд этилган конвертлар Шофиркон туман ҳокимлиги биносида 2013 йил 24 июль кунга соат 11:00да очилади, 2013 йил 24 июль кунга соат 16:00да мазкур ҳокимлик биносида танлов голиби аниқланади.

Танлов ҳужжатлари олиш учун тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов тақлифчиларининг банк реқвизитлари: АТБ "Турон банк" Бухоро филиали х/р: 20208000704953182001, (ОКОНХ: 83200, МФО: 00111, ИИН: 302118823).

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган манзил: Бухоро вилояти, Бухоро шаҳар, Пиридастир кўчаси 12/2А-уй. Лицензия № RR 0117.

Хизматлар лицензияланган

Бугунги кунда олам савдоси жинояти ноқонуний даромад келтирувчи асосий бизнес турларидан бири бўлиб, экспертларнинг фикрига кўра, унинг борган сари ривожланишига таъсир қилаётган асосий омил, фуқаролиги ва миллатидан қатъи назар доимий фаолият кўрсатувчи уюшган жинорий тузилмаларнинг мавжудлиги ҳисобланади. Дунё мамлакатлари томонидан бундай жиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида бир қанча халқаро келишувлар ҳамда битимлар амалиётга татбиқ этилган бўлиб, жумладан, ютимизда ҳам ана шундай жиноятларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш борасида тегишли чора-тадбирлар кўриб келинмоқда.

Алдовга ишонманг

Алишер АБДУСАЛОМОВ,
Қибрай туман прокурори

Аммо шундай бўлса-да, Карим Мадиев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) сингари фуқаролар одам савдоси билан шуғулланишни ўзларига касб қилиб олишган. 1991 йилда тузилган Жасур ва Алишерни мўмай даромадли иш билан тасминлаши, яъни ҳар ойда 800 АҚШ доллари миқдорда ойлик маош тўланишини ваъда қилиб, Қозоғистон Республикасига бошлаган К.Мадиев, Чимкент шаҳрига етиб келган, уларнинг ишончини суиестемол қилиб, фуқаролик паспортларини олиб қўяди. Кейин уларни маҳаллий фуқаро Турганкул Мейрбековга 3 минг АҚШ долларига сотиб юборди.

Бундан беҳабар йигитлар шу куннинг ўзида куриллашда иш бошлайдилар. Орадан 15 кун ўтган, ишининг оғирлиги, шароитнинг ёмонлиги боис ишдан кетишларини Турганкул Мейрбековга билдиришди. Аммо ундан "Сенларни 3 минг АҚШ долларига сотиб

олганман", деган жавобни эшитиб, аввалига эсанкираб қолишди. К.Мадиев уларни алдаб кетганлигини англаб, бу ердан қочишга қарор қилишди ва вазият туғилиши билан йўлқира пуллари бўлмаса-да, такси ҳайдовчисига телефонларини бериб, давлатимиз чегарасигача етиб келишди. Бу ерда паспортлари бўлмаганлиги боис, қозоқ миллатига мансуб бўлган фуқаро ёрдамида чегарадан айланма йўллар орқали ўтмоқчи бўлганларидан чегара хизмати ходимлари томонидан ушланганида.

Кўп ўтмай содда ёшларни алдаб, уларнинг ишончини суиестемол қилиш орқали жиноятга қўл урган Карим Мадиевнинг қилмишлари ҳам ошкор бўлди ва унга суд томонидан узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Қилмишга яраша жазо

Жиззах шаҳрида яшовчи Фуқрат Маликов, Фориш туманида истиқомат қилувчи Дилмурод Саъдуллаев ва Ургут туманилик Рўзимурот Бердиқуловни шартли равишда "уч огайни ботирлар", дея таърифлаш мумкин. Ҳўш, бу "ботирлар қандай мақсад йўлида "бир ёқадан бош чиқариб" курашишди, дейсизми?

Бугунги кунда дунё миқёсида кенг индиз отиб бораётган гиёҳвандлик балоси бу "ботир"ларни ҳам четлаб ўтмаган экан. Оқибатда, жиноятчи деган ном орттиришди.

Жиноятга бош кўшганлардан бири — Фуқрат Маликов қонунни билмайди, кўр-кўрона жиноятга қўл урган, деб бўлмайди. Чунки, у олий маълумотли мутахассис. Виллоят ИИБ ЙХХБда катта инспектор бўлиб ишлайди. Ана шундай даражадаги одам шерикларини бу йўлдан қайтариш ўрнига ўзи ҳам уларга ҳамкор бўлгани ачинарлидир.

Гиёҳвандлик воситаларини қонунга хилоф равишда ўтказиш мақсадида Самарқанд вилоятининг Ургут туманидаги Жарқишлоқ қишлоғида яшовчи С.Эсанов билан олдиндан келишиб олган Р.Бердиқулов 2012 йилнинг 23 июли кунги гиёҳвандлик воситаларини сотишни сўраб келган Ф.Маликов ва Д.Саъдуллаевларни унинг уйига олиб боради. Улар С.Эсанов билан 10 грамм "героин"ни 580 минг сўм, 10 грамм "опий"ни 150 минг сўм пул эвазига сотиб олиш ҳақида келишишди.

Клара ЯКУБОВА,
Жиззах вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси

Келишувга кўра, Ф.Маликов 10 грамм гиёҳвандлик воситалари учун 725 минг сўм бергач, С.Эсанов уларга 10 грамм "опий" билан 0,1 грамм "героин"ни сотади ва 580 минг сўм эвазига яна 10 грамм "героин" топиб беришини айтиб, бу пулни олиб қолади.

Ф.Маликов ва Д.Саъдуллаевлар минган автомашина эртаси кун, анкироғи 2012 йилнинг 24 июли кунги виллоят ИИБ ЙХХБга қарашли "Сангзор-15" ИПХ маскандидан ўтаётганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан тўхтатилади.

Д.Саъдуллаев бошқарувидидаги "Нексия" автомашинасининг олдинги ён ўриндиғида Ф.Маликов ўтирарди. Холислар иштирокида тинтув қилинганда, шимининг орқа чўнтагидан гугурт қутиси ичига 500 сўмлик купюралар ўраб жойланган "героин" ва полиетилен бўлағига ўралган "опий" топилди.

Суд ҳукмига асосан айбдор деб топилган "оқ ажал" ишқибозларига қилмишларига яраша жазо тайинланди. Иш бўйича жиноят қуроли, деб топилган "Нексия" автомашинасини давлат тасарруфига ўтказилди. Ашъёвий далил тартиқасида олинган гиёҳвандлик воситалари тегишли равишда йўқ қилинди. Шу тариқа "уч огайни ботирлар"нинг жиноий қилмишларига яқун ясалди.

Шаҳар бедарвоза эмас

ЁХУД ЗЎРАВОНЛАР
ҚИЛМИШИ



Пахтачи туманидаги Қозон тоғида Жанубий кон бошқармасига қарашли Қорақўтан рууда кони бор. Бу жой бегоналар кириши тақиқланган ҳудуд бўлиб, ички ишлар ходимлари томонидан кўриқланади. Маҳаллий аҳоли гарчи тақиқланган жойга ўтмасалар-да, тоғ ёнбағридан қимматбаҳо тошларни қавлаб олишга уринишади.

Музаффар ҚИЛИЧЕВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси
бўлим АМИБ терговчиси
Дўстбек СУЛАЙМОНОВ,
«Huquq»

Барвақт уйғонган Санжар одатдагидек Қозон тоғига олтин қавлаш учун боришга қарор қилди. Аёли томонидан тайёрлаб қўйилган овқатни олиб, кўчага чиқди. Йўлда қўшниси Алишернинг машинасини тўхтатиб, тоққа кетаётган бўлса, олиб кетишни сўради.

Буни қарангки, Алишер ҳам олтин қидиришга кетаётган экан. Иккови машинада тоққа чиқиб кетишди. Етиб борганларидан қишлоқдошлари Азим Тахтамотов, Исмаил Улуғов, Хусниддин Азизов, Музаффар Тўхтамишов ва кўпгаб одамлар тошларни майдалаб, олтин қидириб юришган экан. Санжар ҳам бориш ишлаган бўлди. Аммо иши қоришвермагач, қўлидаги темир асбобни ерга қўйиб, кўм-кўк ўтлар устида ёнбошлаб, дам олди. Бу пайтда тушлик вақти бўлиб қолганди. Белбоғини дастурхон қилиб, паловни қўйди. Қишлоқдошлари Азим, Хусниддин ва Исмаил ҳам олиб келган таомларини ўртага қўйиб, ошга қўшилишди.

— Энди мен уйга қайтаман, — деди бир маҳал Музаффар. — Бизларни ҳам қишлоқкача олиб тушинг, — дейишди қолганлар. — Бугун иш унмади. Эртага давом эттирамиз.

Музаффарнинг "Нексия"сида тоғдан пастга туша бошлашди. Бу вақтда қонга ақин бўлган биринчи шлагбаумда бир неча ИИБ ходимлари хизмат ўтаётган бўлиб, улар тақиқланган ҳудуддан келаётган автомашинани тўхтатишди.

— Нима мақсадда тақиқланган ҳудуддан келяясиизлар? — деди ўзини таништирган ИИБ ходими. — Ҳужжатларингизни кўрсатсангиз.

— Нима? Бу ерга янги келганимсан дейман, ука, — деди Музаффар гердайиб. — Мени танимайсан, шекилли. Эътиборинг учун, бу туманда менадан ҳеч қим ҳужжат сўрамайди. Машинани ҳужжатсиз бошқараман. Тушунармики? Шунинг учун бошимни қотирмай, анави матоҳни кўтар.

Ҳайдовчининг муомаласи Обидга оғир ботди. Шундай бўлса-да, ўзини босди.

— Узр, айтганингиздек сизни ҳамма таниши мумкин. Аммо, ҳозир мен хизмат бурчимни бажараялман. Шунинг учун ҳужжатларни кўрсатинг. Акс ҳолда ИИБ идорасига боришингизга тўғри келди. Ушунда кимлигингизни аниқлаймиз.

Бу гаплар Музаффарга зигирча таъсир қилмади.

— Бор, бор, йигитча, қўлингдан келганини қил.

Музаффар шундай, деб машинани юргиза бошлади. Аммо ИИБ ходимлари ҳам бўш келишмади. Тартиб-қондага бўйсунмаган зўравонларнинг йўлини тўсишди. Уларни шу ерда турган "Дамас" хизмат машинасида туман ИИБ идорасига олиб бормоқчи бўлишди. Бундай бўлишини кутмаган Музаффар

ва унинг шериклари машинадан тушишди. Енгларини шимариб, қонун посбонларини ҳар хил сўзлар билан ҳақоратлаб, қўл кўтаришгача боришди. Ким кимни урди, аллаким бошқасини ҳақоратлади. Хуллас, жанжал бошланди. Обид қараса, вазият жиддий. Хизматда фойдаланиб юрган рақамли видеокамера билан уларнинг хатти-ҳаракатини суратга ола бошлади. Бу ҳолни кўрганлар видеокамерани беришни талаб қилишди. Уларнинг талаби бажарилмагач, зўравонлар Шералига ташланганди. Унинг қўлларини қайириб, ўларнинг машиналарига мажбуран миндиришди.

— Яшилликча фотоаппаратни бер, — деди Обидга ақинлашган Хусниддин. — Шеринг бизнинг қўлимизда, унга ёмон бўлади.

Вазиятнинг бундан ҳам кескин тус олишини сезган Обид фотоаппаратнинг флешкартасини олиб, чўнтагига солиб қўйди. У ўйлаганидек бўлди. Зўравонлар фотоаппаратни тортиб олишди. Қаршилик кўрсатган эди, бўлмади. Қўллари шилиниб, эгнидаги формаси йиртилиб кетди.

— Флешкартани олиб қўйибди, — деди фотоаппаратни текшириб кўрган Хусниддин. — Флешкартани тортиб олинглар, бўлмаса бу бизга "проблема" бўлади.

— Яхши, яхши, — деди уларни тинчлантиришга уринган Обид. — Майли, флешкартани бераман. Фақат жанжал катталашиб кетмасин. Тингинга пастга тушайлик, ўш ерда бераман.

Бу гап билан Обид пастки постда хизмат қилаётган ҳамкасбларини, қолаверса, туман ИИБдан кўшимча кучларни ёрдамга чақиритишга кўзлаган эди. Бундан ташқари, атрофда олтин қавловчи кишилар ҳам йиғилиб бошлаган, уларнинг ҳам жанжалга қўшилиб кетиши эҳтимоли бор эди.

Зўравонлар унинг таклифига рози бўлишди. ИИБ ходимлари ва Шералини гаровга олганлар машинада тоғдан пастга туша бошлашди.

— Менга қара, ҳов болакай, — деди машина ичиде кетаётган Исмаил Шералига. — Флешкартани бизларга олиб берасан, бўлмаса, сени ўлдириб юборамиз. Бизларни кимлигингизни билмас экансан, тушундингми?!

У қўли билан Шералининг оёғини қаттиқ қўшиб, қўқартариб юборди.

— Ҳўп, Ҳўп, пастроққа тушайлик, гаплашамиз, — деди уларнинг дағдағасидан бироз хайирлиб қолган Шерали. — Флешкартани қайтариш менинг қўлимда эмас. Раҳбарлардан сўрайсизлар. Илтимос, мени қўйиб юборинглар.

— Овозингни ўчир, — деди уни сикувга олган Азим. — Сени қўйиб юбориш-юбормасликни биз ҳал қиламиз.

Икки машина руда ортиш базасига ақинлашиб қолди. Бу ерда ҳам хизмат ўтаётган 5-6 нафар ИИБ ходимлари бор эди.

— Ортага қайтамыз, — дейишди уларни кўрган зўравонлар. — Мелисалар кўпчилик экан. Кучлар тенг келмайди. Агар уларга ходимлари керак бўлса, ўзлари биз айтган жойга боришди.

Улар машинани ортага буриб, тоққа чиқиб кетишди. Олтин қавлаётган кишилар олдига боргач, Шералини уриб-тегиб машинадан туширишди.

— Қаранглар, мен сенларга кимни олиб келдим? — деди йиғилганларга Исмаил Шералини масхара қилиб. — Формаси, поғони бор текин ишчи. Уни тош қавлатиб, ишлатасанлар.

Йигитлар ҳар томондан уни масхара қила бошлашди. Уларнинг камситишларига чидай олмаган Шерали «Барибир ҳазо-дан қочиб қутулолмайсанлар. Флешкартадан ҳаммангни шахсингни аниқлаб олишадилар», — деди.


Бу пайтда томошталалаб 20-30 нафар одам йиғилиб қолган эди.

— Бу ишларнинг яхши эмас, — деди йиғилганлардан бири Алишер. — Милицияга бундай муомала қилинмайди. Сизларга муаммо керакми? Боринглар, пастга тушиб, ишларингни тинч йўл билан ҳал қилиб олинглар.

— Бўлди қилинг, — деди Азим қишлоқдошнинг гапини бўлиб. — Ҳозир биз билан боришариз. Кўпчилик бўлиб борасан, милиция ходимлари кўрққандан флешкартани бизга беришга мажбур бўлади. Агар биз билан бормасанлар, эртага қишлоқда юришларингни ўйлаб кўринглар...

Тўпланган одамлар ҳақиқатдан улардан хайкишидини ё янада катта жанжал бўлмасин, дейишди, ҳарқалай бу талабга қўшилишди. "РАФ" ва "УАЗ" машиналарига минган 20-30 нафар одам Музаффарнинг машинасини ортидан эргашди. Бу пайтда вазиятдан беҳабар бўлган ИИБ ходимлари қўшимча куч сифатида етиб келишган эди. Ёрдамга келаётган қишлоқ одамлари бу ҳолни кўришгач, машиналарини тўхтазмасдан, қишлоққа ўтиб кетишди. Зўравонлар ҳам ҳар тарафга қоча бошлашди. Исмаил ИИБ ходимлари ушлаб олишди. Қишлоққа бориб, ҳавф ортада қолди, деб ўйлаган шериклари ҳам бирин-кетин ушланиб, ИИБ идорасига олиб келинди.

Инсонийлик қиёфасини йўқотган, ўзини хон билиб юрган зўравонлар суд ҳукми билан тегишли жазоларини олишди. Уларнинг ҳар бири қилмишига яраша узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди. Энди бу зўравонлар жазони ихро этиш муассасаларида қонун ва қонун посбонларини менсимасликни қандай оқибатларга олиб келишини англаб етишса, ажабмас.



Президентлик сайловига рози бўлди

Зимбабве президенти Роберт Мугабе президентлик сайлови мuddатини белгилашга рози бўлди. Бу ҳақда Associated Press ахборот агентлиги хабар бермоқда. Сайлов мuddатини Мугабенинг ўзи белгилайди, бироқ бу мuddат 31 июлдан кечикмаслиги кераклиги таъкидланган.

Май ойи охирида Зимбабведа янги конституция имзоланган эди. Кўплаб ўзгаришлар қатори, асосий қонунга президент беш йиллик ваколат мuddатига кетма-кет икки мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги тўлдириш ҳам киритилди. Бироқ, ўзгаришлар ўтмишга таъсир қилмагани учун Мугабе сайловларда голиб чиққанидан кейин ҳам яна камида беш йил мuddатга сайланиши мумкин бўлади.

Зимбабведаги сўнгги президентлик сайловлари 2008 йилда ўтказилган. Ушунда Мугабенинг асосий рақиби Морган Тсвангираи бўлган эди. Сайлов кўплаб қондабузарликлар ва жанжаллар билан давом этган, натижада Тсвангираи сайловнинг иккинчи турида иштирок этишдан бош тортганди. Сайловдаги галабасидан сўнг Мугабе Тсвангираини бош вазир этиб тайинлаган эди.

89 ёшга тўлган Роберт Мугабе расман 1987 йилдан буён Зимбабвега президентлик қилади, амалда эса мамлакатни 1980 йилдан бошқариб келмоқда.



Renault ва Citroenga талаб камайди

Францияда 2013 йилнинг май ойида янги автомобиллар савдоси ўтган йилнинг худди шу даври билан таққослаганда, 10,3 фоизга камайди. Бу ҳақда Франция автомобиль ишлаб чиқарувчиларининг маҳаллий ССФА ташкилоти ўзининг аънавий ҳисоботида маълумот берган.

ССФА маълумотларига кўра, Франциянинг ўз моделлари савдоси ҳажми сезиларли даражада пасайган. Жумладан, Renault автомобиллари савдоси ўтган йилга нисбатан 20,3 фоизга, Citroen машиналари эса 14,5 фоизга қисқарган.

Сўнгги беш ой давомида Европа Иттифоқининг энг катта бозорларидан бирида авто-

мобиллар савдоси ҳажми умумий 11,9 фоизга пасайиб, ойига 740 мингтага тушган.

Европа автомобиль бозоридидаги тушқунлик кетма-кет иккинчи йил давом этмоқда. Европаликларнинг аксарияти ўз даромадларига таъсир қилмаётган инкироз туфайли камроқ автомобиль сотиб олишмоқда.

Марсда калтакесак борми?

Бу қизил сайёрада шу кунгача нималар топилмаган, дейсиз. Curiosity марсоҳодининг навбатдаги сурати коинот ишқибозларини боши берк кўчага олиб кирди.

Япония фуқароси суратда калтакесак борлигини кўриб, Марсда ҳаёт борлигини инкор этиб бўлмаслигини таъкидлади.

Ушбу сурат NASA расмий сайтыда эълон қилинди. Уни кўриб қолган япониялик ўз кашфиёти билан UFO Sightings Daily портали билан боғланди. Мазкур сайт эса сирли мавжудотлар ва ҳодисаларга бағишланган. Портал муҳаррири Скотт Варинг агар ушбу сайёрада сув борлиги исботланган бўлса, калтакесакнинг бўлиши ҳам табиий ҳол бўлиши мумкинлигини айтмоқда.

Чехияда сув тошқини

Чехия ҳукумати кучли сув тошқини сабаби мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилди.

Мамлакат бош вазири Петр Нечаснинг айтишича, фавқулодда ҳолат сув тошқини оқибатларини бартараф этишга ва қутқарув ишларини олиб боришга ёрдам беради.

Фавқулодда ҳолат Чехиянинг Пардубиц ўлкасидан ташқари барча ўлкаларида эълон қилинди.

Сув тошқинининг учинчи, энг юқори хавфли даражаси Чехиянинг 50 та шаҳрида эълон қилинди. Прагада табиий офат сабаби аҳоли эвакуация қилинмоқда.

Мамлакатнинг марказий туманларидида ёмғирлар тўхтамайпти, дарёларда сув ўзанидан тошишда давом этмоқда. Прага давлат корхонаси метронинг саккизта бекатини ёпиб қўйди.




Дольче ва Габбана жазоланади

Милан прокуратураси модельерлар Доменико Дольче ва Стефано Габбанини солиқ тўлашдан бош тортганига айбоб, яқин ярим йилга қамоқ жазосига маҳкум қилишни сўради.

Сўнд ийгилишида прокурор Газтано Рутанинг айтишича, Дольче ва Габбана фискал органлардан миллиард евро даромадни беркиртганликда айбланмоқда. Прокуратуранинг айбловларига қараганда, солиқ тўлашдан бош тортши мақсадидида модельерлар Люксембургда рўйхатга олинган компанияларини ишлатишган.

Аммо улар кўйилган айбловлардан бош торттишмоқда. Мазкур иш бўйича суднинг сўнгги қарори яқин кунларда чиқади.

Бутун дунёга машҳур Dolce & Gabbana бренди яратувчиларига солиқ тўлашдан бош тортганликлари борасидаги айблов иккинчи мартаба кўйилмоқда.



Парранда фермасидаги ёнғин



Хитойнинг Шзиань провинциясидаги парранда фермасида бўлиб ўтган ёнғин 61 кишини ҳаётдан олиб кетди. Даставвал 55 нафар қурбон ва 40 нафар яраланганлар ҳақида хабар берилган эди.

Ёнғин Дэхуэй шаҳар округида жойлашган "Jilin Baoyuan" корхонасида содир бўлди. Қутқарувчиларнинг маълумотларига қараганда, ёнғин пайтида ишчилар паррандаларни сўйиш биноларидан бирига қамалиб қолишган.


Баъзи маълумотларга қараганда, ёнғин сабаби суюқ аммиакнинг оқиб кетиши оқибатида юз берган портлаш бўлган. Ҳозирда қутқарув ишлари давом этмоқда.

Италия ишсизлик исканжасида

Istat миллий статистика институтининг маълум қилишича, Италияда ишсизлик даражаси тарихий юқори нуктага кўтарилган бўлиб, биринчи чорак якунига кўра, ушбу кўрсаткич ишга лаёқатли аҳолининг 12,8 фоизини ташкил қилган.

Айни дамда Апеннинида 3,3 миллион киши ишсиз қолмоқда, бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,8 фоиз кўпдир. Istat экспертларининг таъкидлашича, бу 1977 йилдан бери Италияда аниқланган энг юқори ишсизлик индекси бўлди.

Экспертлар италиялик ёшларнинг ишсизлиги борасида хавотирда. Расмий статистикага асосан 15 дан 24 ёшгача бўлган ёшлар орасидаги ишсизлик салбий рекордди қайд этиб, 41,9 фоизни ташкил қилди.



Индонезиянинг Суматра оролидаги энг баланд Керинчи вулкони ҳаракатга келди.

Маълумотларга қараганда, ҳозирда вулкондан 600 метр баландликда лава отилиб чиқмоқда. Шу боис бир неча соат ичида атрофдаги қишлоқлар кул билан қопланган. Вулқон отилиб чиқаётган тоғнинг баландлиги 3,8 километри ташкил қилади. Сўнгги марта у 2011 йилда ҳаракатга келган эди.

Вулқон Суматранинг энг юқори нуктаси ҳисобланади. Вулқон кратерининг диаметри 600 метр, чуқурлиги эса 400 метр.

Германия аҳолиси камаймоқда


2011 йилнинг май ойида ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш ишлари натижалари бўйича Германия аҳолисининг сони 80,2 миллион нафарни ташкил қилди, бу эса ҳукумат тахмин қилганидан 1,5 миллионга камайди.

Мамлакат статистика бюроси томонидан ўтказилган тадқиқот натижалари Берлиндаги матбуот анжуманида эълон қилинди.

Аҳолини рўйхатга олиш

Германия ва Европа иттифоқининг бошқа мамлакатларида 2011 йилда ўтказилган бўлиб, натижаларни таҳлил қилишга эса икки йил вақт кетди. Тадқиқот давомида аҳолининг демографик, иқтисодий ва ижтимоий аҳоли борасидаги маълумотлар ўрганиб чиқилди ва хулоса қилинди.

Маълумотларга қараганда, аҳолининг камайганилиги бўйича Берлин (-5,2%) ва Гамбург (-4,6%) пешқадамлик қилмоқда.



Ўтган йил март ойининг 26 санаси. "Билайн" уяли алоқа компаниясининг Самарқанд шаҳрида жойлашган абонентларга хизмат кўрсатиш марказига кириб келган Фаргона шаҳрида яшовчи Нодирбек Эрматов янги симкарта олоқчиликни билдириб, фуқаролик паспортини марказ ходимига узатди. — Меҳмонимисиз? — сўради ходим унинг паспортига кўз югуртиргач. — Қайси рақамни танлайсиз? — Ҳа, зарур иш билан келувдим. Истаган рақамингизни бераверинг, — деди у кўзларини олиб қочиб.

Шундай қилиб, Нодирбек уяли алоқа компаниясининг янги абонентига айланди. Аммо унинг аксарият абонентлардек чиройли номер танламагани, сўзларидаги пала-партишлик, кўзларидаги бесаранжомлик ва шошилиб чиқиб кетиши марказ ходимини ҳайрон қолдирди.

Албатта, ходимнинг таажубланганича бир эди.

Бундан бир йил аввал, қаҳратон қишнинг совуқлари ортда қолиб, юртимизда баҳор насимлари эса бошлаган кунларда Н.Эрматов онасининг қариндоси (холоваччаси) Мавлуда она-никига серкатнов бўлиб қолди. У М.Муминованинг боҳона хизматига ишловчи ўғли Сардорнинг олдига турли баҳоналар билан келар, лекин қариндос бўлгани учун унинг ташифи мезбонларда шубҳа уйғотмасди. Шу боис, гоҳ тунаб қолар, гоҳида эса кеч бўлса ҳам уйига қайтиб кетарди. Бироқ ана шу келиб-кетишлар мобайнида Нодирбекнинг кўнглида қабих ният уйғонишини ким билибди, дейсиз.

2012 йил 22 март. Кундузги соат 15:00ларда Мавлуда она кўшини Санобархонга кўнжирок қилди.

— Эрта-индин, деб Наврўзни ҳам ўтказдик, сумалакни қачон солаемиз?

— Тез қунда қилишимиз керак. Ҳадемай сумалакнинг янгилиги ҳам қолмайди.

— Ундай бўлса, Муборақхон-никига маслаҳатга чиқайлик. Айтмасак, хафа бўлади.

Икки кўшни кунботар маҳалда Муборақхон она-никига киришди. Учаласи сумалак учун зарур бўлган масалликларни, қозон-ўчоқ ва ўтинни кўшнлар ўртасида хомаки равишда тақсимлашди.

— Бугдойни сиз ундирар қолинг, ҳар ҳолда бизга қараганда эпчилпроқсиз, — деди Муборақхон Санобарга. Сўнг омондордан 35 килоча дон олиб чиқди.

Кўчага чиққанларида Мавлуда она Санобарни уйига таклиф қилди.

— Бугун ўғилларим навбатчиликда, ўзим ёлғизман. Юринг, бироз гаплашиб ўтирайлик. Ух-лаш маҳалигача жуда зерикаман.

Кўшни аёлларнинг сўхбати шу қадар қизиқдики, кўз очиб юмгунча икки-уч соат ўтиб кетди. Санобарнинг қўл телефони жиринглаб, хўжайини уни чақирмаганида, балки бу сўхбат алламаҳалгача давом этармиди.

Ёнғинда қолган уй

ёхуда қотил қариндоснинг қилмиши

У Мавлуда она билан хайрлашиб, чиқиб кетди. Аммо кўшини охириги мартаба кўраётгани етти ухлаб тушига ҳам кирмагани унинг.

Санобар билан Мавлудахоннинг сўхбати қизиган пайтда ўзининг гаражи мақсадида бел боғлаган Нодирбек ҳовлига ўғринча кириб, ертўлага беркинганди. Йигит чопки билан қуролланган ҳолда хонадон соҳибасининг уйкуга кетишини пойлаб ўтирарди.

Соат 22:00лардан ўтганда, босқинчи хиян деразадан ошиб, ичкарига кирди. Шунда унинг тирсаги эшикка тегиб, тарақлаб кетди. Бу тарақ-турудан Мавлуда она уйғониб кетди.

— Кимсан? Ўғилларим ордан ишлайди. Шунга била туриб, қандай қилиб менинг уйимга ўғирликка кирдинг? — дея шоша-пиша ўрнидан туриб, шарпага яқинроқ келди ва бирдан уни таниб қолди. — Ие, Нодирмисан, уялмдингми шу ишни қилишга?

Бу гап Нодирни шошириб қўйди. У қариндосининг юзи-ю кўзи демай, дуч келган жойига чопки билан аёвсиз зарба берадди. Кутилмаган ҳужумдан бақиршига ҳам улгуролмаган аёл ярим соат ўтар-ўтмас жимиб қолди. Бироқ қотил қариндос бу билан чекланмади. Аксинча, мурданнинг қўлгоғидан 500 минг сўмлик тилла балдоғини ечиб олган, жиноят изларини яшириш мақсадида аёлни ёқиб юборди. Сўнг кирган деразаси орқали чиқиб, жудфакти ростилади.

Н.Эрматов воқеа жойидан анча наридаги анҳор бўйига бориб, чопкидаги хали қотиб улгурмаган қонни ювиб ташлади. Уша маҳал соат тунги

23:30дан ошганди. Шунинг учун қўл телефонидан онасига хабар жўнатди: "Ая, сал кечроқ бораман. Хавотир оманг, эшикни кулпламен". Қотил қўлидаги тақинчоқни эртаси кунни шаҳардаги "тилла бозори"да тиллафуруш Хотида Раҳимовага 400 минг сўмга пулади.

Тонгга яқин уйга келган Шўхратжон ёнғинни кўрди-ю, дарҳол эшикни бузиб ичкарига кирди. Бу пайтда тилсиз ёв хонадон меҳмонхонаси, онасининг ётоқхонаси, кириш зали, укаси Сардорнинг ётоқхонасини шикастлаб улгурганди. У ўт ўчирувчилар етиб келгунча олов билан олишди. Сўнг биргаллашиб, ёнғинни бартараф қилишди.

Шундан кейин мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзга тилиб, тергов ҳаракатлари бошланди. Гап шундаки, Шўхратжон ва Сардор ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида ишлаганлари боис аввалига тергов гуруҳи "Қотил марҳумининг ўғиллари-га қасдлашган бўлиши мумкин", деган хулосага ҳам келди. Аммо бошқа бир ҳолат барчанинг фикрини тезда ўзгартирди. Яъни воқеага қадар кунда-кунора келиб турадиган Нодирбек бирдан кўздан гойиб бўлган, теле- ярим соат ўтар-ўтмас жимиб қолди. Бироқ қотил қариндос бу билан чекланмади. Аксинча, мурданнинг қўлгоғидан 500 минг сўмлик тилла балдоғини ечиб олган, жиноят изларини яшириш мақсадида аёлни ёқиб юборди. Сўнг кирган деразаси орқали чиқиб, жудфакти ростилади.

Н.Эрматов воқеа жойидан анча наридаги анҳор бўйига бориб, чопкидаги хали қотиб улгурмаган қонни ювиб ташлади. Уша маҳал соат тунги 23:30дан ошганди. Шунинг учун қўл телефонидан онасига хабар жўнатди: "Ая, сал кечроқ бораман. Хавотир оманг, эшикни кулпламен". Қотил қўлидаги тақинчоқни эртаси кунни шаҳардаги "тилла бозори"да тиллафуруш Хотида Раҳимовага 400 минг сўмга пулади.

Шокиржон СУЛТОНОВ,
Фаргона вилоят прокуратураси бўлим прокурори

берган. Эртаси кунни эса Фаргонага қайтган Нодирбекнинг ўзи бегона рақамдан сым қоқиб, ундан пул сўраган. Бу пайтда ички ишлар ходимлари С.Муминованинг ёнида туришганди.

— Бир ярим миллион сўмча ортиқча пулим бор. Шундан бери туришим мумкин. Ҳозир Ташкентдаман, Нигораникига келаверинг, — деди Севара.

Унинг сўзларига лаққа тушган қотил шу кунийқ пойтахтга етиб борди ва Нигоранинг уйига қўлга олинди.

— Мавлуда она-никига жанозага кетаётганимда ўғлим Нодир уйда эди. Мен "Сен ҳам жанозага боришим мумкин", — дедим. Аммо у "Ташкентга товар олгани бораман", деб жанозага бормади, — дейди Муяссар Эрматов та тергов жараёнидаги қўрсатмасида.

Буни қарангки, Н.Эрматов тергов жараёнида ҳам, суд мажлисида ҳам айбини тан олишни истамади. Лекин тўланган далиллар, экспертиза хулосалари ва гувоҳларнинг қўрсатмалари унинг қилмишини фош этди.

Суд ҳукми билан у узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди. Қолаверса, ёнғин оқибатида жабрланувчининг қонуний вакилига етказган зарари ҳам ундирилди. Шунингдек, вилоят прокуратураси томонидан қўридаги жиноятнинг содир этилишига имкон яратган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан Фаргона шаҳар ички ишлар бошқармасига тақдимнома киритилди.

Ўйламай босилган қадам

Авазбек КОДИРОВ,
Зангиота туман прокурорининг катта ёрдамчиси

Биз ўзбекларда меҳр-оқибат, кўни-кўшничлик, маҳалла-қўй ва ўзаро аҳлиқлик алоҳида эътибор берилади. Кўшнлар билан самимий муносабатда бўлиш, касал бўлганида ҳолидан хабар олиш, хурсанчилигига шерик бўлиш, бошига мусибат тушганида ҳам ёнида туриш, бир сўз билан айтганда, ҳар қандай ҳолатда ҳам кўшнлардан яхшиликни аямаслик миллий қадриятларимиздан ҳисобланади.

Бироқ биз ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа "қаҳрамон" 23 ёшли Жавоҳир Холиқов (исм-фамилиялар ўзгартirilган) маҳалладошлик, кўни-кўшничлик ҳақларига хиёнат қилган ҳолда нафсига эрк бериб, ўйла-масдан қадам ташлади. У 2012 йилнинг 20 сентябрь кунни маҳалладоши Шариф Абдиевнинг уйига кундузи соат 13:30ларда юзига аёллар рўмолини ниқоб қилиб таққан ҳолда пичоқ билан қуролланиб, босқинчилик йўли билан ўзганинг мулкига эга бўлиш мақсадида файри-қонуний кириб келган.

Бу пайтда кичик ўғлини ухлатмоқчи бўлиб, ётоқхонага кирган хонадон бекаси Машхура Арипова айвондаги шарпани, "Овсиним бўлса керак", деб ўйлаб, "Ўғилмира қираверинг", деди. Шу пайтда айвонга чиққан воқеа етмаган қизи Зилоланинг бақирганидан югуриб чиққан бека юзига ниқоб таққан йигитнинг қизини ерга ётқизганча қорнига пичоқ тираб турганлигига дуч келди.

— Кеннойи, пул-мул бўлса олиб чиқинг! Бўлмаса, қизингизни ўлдирман, — деди у. Босқинчини кўзидан ва овозидан таниган бўлса-да, қўрқувдан ранги оқариб кетган аёл яилинишга тушди ва уйдан ўзининг икки донга тилла узугини олиб чиқиб берди. Ниқобли кимса эса узукларни олиб кўздан гойиб бўлди.

Ҳозиргина бўлиб ўтган воқеадан ўзига ке-

лалмаётган аёл турмуш ўртоғига кўнжирок қилиб, тезда етиб келишини айтди. Зудлик билан етиб келган эрига воқеа тафсилотларини айтиш баробарида ниқобли кимсаннинг маҳалладоши Жавоҳирга ўхшашини ҳам айтиб ўтди.

Шундан сўнг турмуш ўртоғи Шариф Абдиев бу ҳақда ИИБга хабар берди.

Дастлаб Жавоҳир Холиқов айбини тан олмаган бўлса-да, жабрланувчи ва гувоҳлар Машхура Арипова ва қизи Зилола Абдиеваларнинг қўрсатмаларидан кейин айбини тўлиқ бўйинга олиб, чўнтағидаги узукларни милиция ходимларига топширди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 164-моддаси 3-қисми "в" банди билан Ж.Холиқовга нисбатан узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Инсон табиатида яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам мавжуд. Агар одам яхшилик йўлини тутса, шайтондан юз ўгиради. Ёмонлик сари юрса, шайтоннинг қулига айланади. Инсонда ақл ва нафс ўртасида тинимсиз кураш борар экан, улардан қай бирининг устун бўлиши инсоннинг ўзига боғлиқ.

Жавоҳир Холиқов ҳам ақлига таянганида, поклик ва нопокликни ажрата билганида нафс йўлига кирмаган, шайтоннинг қулига айланмаган, йигитликнинг айни навқирон палласини панжара ортда ўтказмаган бўларди. Зеро, ақл инсонга нафс аталмиш ички ганимини енг-моқлик учун ҳам ато этилган.

Инсон жиноятга қўл ураётганда, шунга яраша жазо ҳам муқар-рарлигини унутиб қўйиши ачинарли ҳол. Мазкур жиноий иш таф-силотида аср вабосига айланган гиёҳванд моддалар савдосига қўл урган кимсанинг қилмишлари хусусида сўз борлади.

Гиёҳвандлик балоси

Зарифа МАВЛОНОВА,
Юнусобод туман прокурори ёрдамчиси
Гули ҲОЖИБОВА,
«Hudud»

2012 йилнинг июнь ойида Дилмурод Шўхратов (исм-фамилиялар ўзгартirilган) муқаддам судланганидан тегишли хулоса чиқармай, тақроран жиноятга қўл урди.

Уша кунни болалигидаги дўсти Фуқрат Толибов унга кўнжирок қилиб, мазаси бўлмаётганлигидан шикоят қилади. Дилмурод шифоқорга боришни маслаҳат бериш ўрнига уни ёнига қақриб олади. У Фуқратга туман орқали героин моддасини қабул қилишни маслаҳат бериб, гоё бу билан одам касалликларидан ва ҳаётидаги барча муаммоларидан бир зумда фориғ бўлишини таскидлайди.

Фуқрат унинг гапларига ишониб, икки ўрам героин сотиб олади. Аммо уни истемвол қилишга улгуролмади. Улар учрашган жой ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан назоратда эканлиги туфайли оғуфуршлар героин савдоси билан шуғулланаётган пайтда қўлга олинди. Аммо Дилмурод қочиб улгурганди. Бузоқнинг югургани сомонхонагача деганларидек, дастлаб Фуқрат Толибовни, бироздан сўнг Дилмурод Шўхратовни ҳам Юнусобод тумани ички ишлар идорасига олиб келишди.

Ф.Толибовнинг ёнидан олинган ашё гиёҳвандлик моддаси бўлиб, унинг умумий оғирлиги 0,08 грамм эканлиги аниқланди. Дастлаб-ки тергов давомида Дилмурод Шўхратов 2005 йилдан бунга героин моддасини томирига қабул қилиб, гиёҳвандлик касаллигига чалин-ганлиги маълум бўлди.

Ўқабатган одам хафта ҳам ёпишганидек, Д.Шўхратов тергов да-вомида ҳеч қандай героин сотмаганлигини ва Фуқрат Толибов унга тўхмат қилаётганлигини айтди. Унга нисбатан келтирилган барча далилларни инкор қилишга ҳаракат қилади. Аммо мавжуд далиллар ва гувоҳларнинг қўрсатмалари жиноятнинг ким томонидан ҳамда қандай содир этилганини исботлаб берди.

Мазкур иш юзасидан жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман суди Дилмурод Шўхратов ва Фуқрат Толибовларга нисбатан ўз ҳук-мини эълон қилди.

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки (очикъ акциядорлик жамияти)

**Аҳолидан коммунал ва бошқа хизматлар учун
тўловларни қабул қилади.**

Ушбу тўловларни «Асака» банк (ОАЖ)

барча филиаллари, минибанклари

**ва махсус кассаларида нақд пулда ёки пластик
карточкалар орқали амалга оширишингиз мумкин.**

Маълумот учун телефонлар:

Филиаллар ва минибанклар фаолияти бўйича

(8-371) 120-82-72, 120- 82-66, 120-82-29.

Махсус кассалар фаолияти бўйича: (8-371) 120-39-48, 120-39-87.

Инфокиосклар ва тўлов терминаллари бўйича:

(8-371) 120-81-79, 120-81-90, 120-82-76, 120-81-39.

Хизматлар лицензияланган

«EFFECT REAL GROUP» МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич

ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такроран очикъ «аукцион» савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 31 март кунги 94-сонли «Истеъмол товарлари билан улгуржи ва чакана савдони ташкил этишни такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан Фарғона вилоят «Матлуботсавдо» АК тугатиш комиссиясининг 2013 йил 31 май кунги 63-сонли хатига асосан Фарғона вилоят «Матлуботсавдо» акциядорлик компаниясининг қуйида келтирилган жамиятлардаги улушлари такроран аукцион савдосига қўйилмоқда.

1. Олтиарик туман «Олтиарик савдо инвест» (собиқ Олтиарик туман «Матлуботсавдо») МЧЖдаги 22,36 фоиз улуши, бошлангич баҳоси — 119 064 125 сўм.

2. Бувайда туман «Янгикўрган Файз Инвест» (собиқ Бувайда туман «Матлуботсавдо») МЧЖдаги 25 фоиз улуши, бошлангич баҳоси — 94 275 058 сўм.

3. Фурқат тумани «Омадли Инвест Тараққиёти» (собиқ Фурқат туман «Матлуботсавдо») МЧЖдаги 31,55 фоиз улуши, бошлангич баҳоси — 135 704 189 сўм.

4. Фарғона тумани «Аввал Обод Савдо» (собиқ Аввал «Матлуботсавдо») МЧЖдаги 25,0 фоиз улуши, бошлангич баҳоси — 13 004 877 сўм.

5. Кува туман «Тайёрловсавдо» МЧЖдаги 25,02 фоиз улуши, бошлангич баҳоси — 8 125 052 сўм.

6. Кувасой шаҳар «Кувасой Баракали Савдоси» (собиқ Кувасой «Матлуботсавдо») МЧЖ балансидаги «Марказий омборхона»нинг 34,76 фоиз улуши, бош-

лангич баҳоси — 119 526 852 сўм.

Аукцион савдолари 2013 йил 20 июнь кuni соат 10:00да бўлиб ўтади.

Талабгорлардан савдода қатнашиш учун аризалар 2013 йил 5 июндан 18 июнь кuni соат 18:00гача қабул қилинади.

Мазкур улушлар 2013 йил 20 июнь кuni аукцион савдоларида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2013 йил 8 июль кuni соат 10:00да бўлиб ўтиши олдиндан маълум қилинади. Ҳамда такрорий савдо учун аризалар қабул қилишнинг охириги мuddати 2013 йил 4 июль кuni соат 15:00гача.

Савдога қўйилган «улуш»ларнинг ҳужжатлари билан «Савдо ташкилотчиси» ёки Фарғона вилоят «Матлуботсавдо» АКнинг тугатиш комиссиясида бевосита танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузиладиган закат келишувига асосан, улушнинг бошлангич баҳосини 10 фоиз миқдорида закат пулини тўлов ҳужжатига улушни номи кўрсатилган ҳолда «Савдо ташкилотчиси» «EFFECT REAL GROUP» МЧЖнинг рекевизитлари, ИИН: 302128329, МФО:00500, «Савдогарбанк» Фарғона вилоят бўлимидаги 20208000704943278001 ҳисоб рақамига тўлашлари керак.

Талабгорлар қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилига мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳар, Аҳмад Фарғоний кўчаси 43-уй,
Тел: +99895 404-54-84 «EFFECT REAL GROUP» МЧЖ Лицензия RR 0094

Хизматлар лицензияланган

«EFFECT REAL GROUP» масъулияти чекланган жамияти барча тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларни очикъ танлов савдоларига таклиф этади.

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.05.2011 йилдаги 147-сонли қарори ва Фарғона шаҳар ҳокимининг 03.06.2013 йилдаги 1041-сонли хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаси доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда.

Конституция кўчасида жойлашган янги қурилган кўп қаватли турар жой ва 1-сонли санатория шаклидаги мактабгача таълим муассасаси оралиғида тўрт қаватли биринчи қавати савдо дўкони, 2,3, ва 4 қаватлари турар жой биноси алоҳида иситиш қозонхона биноси ва умумий ҳолатхона куриш учун 200,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати 152 862 сўм. Қурилишни тугатиш мuddати 1,5 йил.

Мажбуриятнинг бошлангич ҳажми Фарғона шаҳар архитектура ва қурилиш бошкармаси томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириги асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириги нухаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш

билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2013 йил 2 июль кuni тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Фарғона шаҳар ҳокимлиги биносида 2013 йил 4 июль кuni соат 16:00да очилади ва 5 июль кuni соат 10:00да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор гoлиб деб топилади.

Ер участкасига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини «Савдогарбанк» Фарғона вилоят бўлимидаги МФО: 00500, СТИР: 302128329, 20208000704943278001 ҳисоб рақамига тўлашлари керак.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридидаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар буюртманомана билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нухсада тақдим этади:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилган тўғрисидаги гувоҳнома нухаси, ваколатли вакил-

нинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нухаси ва белги-ланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нухаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нухаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нухаси, белги-ланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ташкилотчисига закат тўланганлиги тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нухса;

— танлов ҳужжатлари талабгарига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нухсадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахнинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчиси-нинг манзили: Фарғона шаҳар Аҳмад Фарғоний кўча-си 43-уй, 24-хона. тел. +99895 404-54-84. веб-сайт www.effect.uz Лицензия 0094.

Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарорига асосан «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Тошкент шаҳар филиали савдоларига чиқарилиб, 2013 йил 6 майда ўтказилган аукцион савдоси натижаларига қўра сотилган давлат активи

1. Тошкент ш., Миробод т., «Миробод» кўчаси, 19-уйдаги сатҳи 1315 кв.м. бино ва иншоотлар, бошлангич баҳоси — 2 091 765 138 сўм, сотилиш баҳоси — 2 163 000 000 сўм.

Хизматлар лицензияланган

Тошкент транспорт прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Транспортлаги Ички ишлар бошқармаси ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда "Осойишталик ва барқарорлик — муҳим вазифа" мавзuida давра суҳбати ўтказилди.

Осойишталик ва барқарорлик — муҳим вазифа

Давра суҳбатини ўтказишдан қўзланган мақсад жамиятда соғлом ва баркамол авлоднинг тарбиялаш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришдир. Тадбирда эртаминг эгаларини тарбиялашда унинг ҳуқуқий асосларига катта аҳамият бериш кераклиги таъкидланиб, иштирокчиларга терроризм ва диний экстремизм ҳақида тушунчалар берилди, ёшларни оғоҳликка қақариш, уларда хавфсизлик ҳиссини шакллантириш муҳимлиги таъкидлаб ўтилди.

Тадбирда шунингдек, давлатимиз раҳбарининг "Юксак маънавият — энгилмас куч" асаридagi "Бугун биз тарихий бир даврда — халқимиз ўз олдига эзгу ва улуг мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт ке-

чираётган, авваламбор ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган бир замонда яшамокдамиз", деган фикрларига ургу берилиб, юртимиздаги тинчлик ва хотиржамликни асраш учун оғоҳлик ва сезгирликни бир зум бўлса-да унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлиги яна бир бора таъкидланди.

Тадбир сўнггида давра суҳбати иштирокчиларига "Тинчлик учун курашмоқ керак" номи ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Ўз мухбиримиз

Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси Тергов бошқармаси тизимларида бўш бўлган терговчи лавозимларига танлов эълон қилинади.

Танловда **олий** — ҳуқуқшунос дипломига эга бўлган, муддатли ёки сарфбарлик қақирув резервида ҳарбий хизмат ўтаган, шунингдек олий ўқув юртларининг ҳарбий кафедраси курсини тамомлаб, офицерлар заҳирасига киритилган, бўйи **170 см.** дан кам бўлмаган, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг Қибрай, Зангиота туманларида доимий истиқомат қилувчи, **30 ёшгача** бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 370-56-44, 281-92-52

ЖЧ-2014 саралаш: гуруҳимизда вазият чигаллашди



4 июнь кунини келгуси йили Бразилия давлати мезбонлик қиладиган жаҳон чемпионатида саралаш баҳсларининг Осиё қитъаси бўйича навбатдаги тур ўйинлари бўлиб ўтди. Шубҳасиз, ўзбекистонлик футбол мухлисларининг асосий эътибори гуруҳдошларимиз тўқнашувларига қаратилди. Гарчи бу турда терма жамоамиз аъзолари дам олишган бўлса-да, гуруҳимиздаги жамоаларнинг қандай натижалар қайд этиши муҳим аҳамиятга эга эди.

Ўзбекистонлик футбол ишқибозлари Доҳада бўлиб ўтган Қатар ҳамда Эрон терма жамоалари ўртасидаги учрашувни диққат билан кузатганимиз бор гап. Биз учун ўша ўйинда дуранг қайд этилиши фойдалироқ эди. Бирок майдон эгалари шу кунини жуда бўш ўйин кўрсатиб, яқунда мағлуб бўлишди.

Учрашувнинг 31-дақиқасида қатарликлар хавфли ҳужум ташкил қилишди. Аммо Хасан Холиднинг зарбаси дарвоза тўсинига тегиб қайтди. Шундан сўнг асосан форларнинг кескин ҳужумларига гувоҳ бўлдик. Ўйиннинг 44-дақиқасида эса мезмонлар вакили Ризо Гучанажоднинг яқин масофадан боши билан дарвозага йўллаган зарбасини мезбонлар посбони Қосим Бурҳон қайтариб қолди.

Иккинчи бўлимда эронликлар катта иштиёқ билан ўйнашди. Гарчи мезмонда тўп сураётган бўлсалар-да, Карлос Кейруш шогирдлари кўпроқ ташаббусга эга бўлишди. Бунинг натижасида 65-дақиқага келиб, ўз дарвозалари олдида пала-партишликка йўл қўйган қатарликларни Ризо Гучанажод ўз голи билан жазолади.

Киритилган голдан сўнг майдон эгалари томонидан рақибларга нисбатан босим уюштирилиши кутилганди. Аксинча, голдан руҳланган мезмонлар яна олдинга ташлашди. Лекин, қатарлик ҳимоячилар имкон қадар ҳужумларни бартараф қилиб туришди. Шу тариқа Эрон Доҳада галаба қозониб, жаҳон чемпионати йўлланмаси учун яна бир қадам ташлади.



Қатар — Эрон 0:1

Гол: Ризо Гучанажод (66-дақиқа) — 0:1
Гуруҳдаги иккинчи ўйинда эса Ливан терма жамоаси ўз майдонида Жанубий Корея термасини қабул қилди. Айтиш кераки, бу учрашув сал бўлмаса мезбонлар галабаси билан яқунланиши мумкин эди. Ўйин олдиндан кўпчилик корейсларнинг галабасини башорат қилган эди. Бирок ливанликлар ўз майдонларида ҳар қандай рақибга осонликча таслим бўлмасликларини яна бир қарра исботлашди. Ўйиннинг 13-

дақиқада Хасан Матук корейликлар дарвозасини ишғол қилди. Шундан кейин мезмонлар учрашувининг асосий вақти яқунланганга қадар ҳам рақиб дарвозасига йўл топа олишмади. Ҳакам томонидан қўшиб берилган 7-дақиқа ўтиб бораётгандагина Жанубий Корея терма жамоаси мағлубиятдан қутулиб қолди.

Ливан — Жанубий Корея 1:1
Голлар: Хасан Матук (13) — 1:0. Ки Чан Ву (90+7) — 1:1
Ана энди гуруҳимизда йўлланма учун Жанубий Корея, Ўзбекистон ва Эрон терма жамоалари ўзаро кураш олиб борадиган бўлди. Қатар ва Ливан термалари эса "ўйиндан ташқари ҳолат"га чиқиб қолди.

Жанубий Корея терма жамоаси 11 июнь кунини навбатдаги тур доирасида Ўзбекистон



ЖЧ-2014. Саралаш баҳслари — Осиё қитъаси

№	Жамоа	У	Ю	Д	М	Т	Н	О
1	Жанубий Корея	6	3	2	1	12	6	11
2	Ўзбекистон	6	3	2	1	6	4	11
3	Эрон	6	3	1	2	3	2	10
4	Қатар	7	2	1	4	4	8	7
5	Ливан	7	1	2	4	3	8	5

тон терма жамоасини қабул қилади. Агар шу ўйинда корейслар галаба қозонишса, муддатидан аввал жаҳон чемпионатида йўл олишди. Шундай экан, Ўзбекистон Сеулда мағлубиятга учрамаслиги керак бўлади. Акс ҳолда, жаҳон чемпионатида тўғридан-тўғри бериладиган йўлланмадан курак қолишимиз мумкин. Умид қиламизки, Миржалол Қосимов шогирдлари Сеулдан керакли натижа билан қайтишди.

Мақсудали КАМБАРОВ тайёрлади

Ўтганларнинг охираати обод бўлсин

Сурхондарё вилоят прокуратураси жамоаси вилоят прокуратураси бўлим прокурори А. Болтаевга отаси Саидкул ота БОЛТАЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Нуқуқ" газетаси таҳририяти жамоаси газета мухбири Уткиржон Дехқоновга падари бузруквори Ўрозли ДЕҲҚОНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Hakimboy HALIMOV Baxtiyor NAZAROV
Abbosxon SANGINOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Muxtor ZOIROV Kamoliddin ASQAROV
Gulnoza RAHIMOVA (mas'ul kotib v.b.)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
233-10-53
Faks: 233-10-53,
233-64-85

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farglanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
□ — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma j-7301. 52 903 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terifi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: G. ALIMOV
Musabihhi: M. QAMBAROV
Navbatchi: O. DEHQONOV
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirindi: 20.00 12 345 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxonada manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

